O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV № 221299



Ўзбекистон АДАБИЁТИ ва САНЪАТИ

ÕZBEKISTON ADABIYOTI VA SAN'ATI

1999 йил

ҲАФТАЛИК ГАЗЕТА

1956 йил 4 январдан нашр этила бошлаган

● 5 ноябр, №45 (3531) ●

БАҲС МАҲОРАТИ

Биз уни эгаллаганмизми?

Олдимизда турган сайловларнинг муҳим босқичи бошланди. Олий Мажлис, вилоят, туман ва шаҳар кенгашлари депутатлигига кўрсатилган номзодлар энди сайловчилари олдида ўз дастурлари билан чиқадилар. Бир ўрин учун ҳар бир округда беш-олтитадан номзод кураш олиб боради, демакки, сайловолди баҳслари бениҳоя қизғин ўтиши аниқ.

Сайлов тўғрисидаги Қонун талабларидан келиб чиқиб Марказий сайлов комиссияси барча номзодларга ҳар томонлама тенг шароит ва имкониятлар яратиб берди. Энди улар сайловчилар олдида жуда катта имтиҳондан ўтадилар. Аввалги мақоламизда таъкидлаганимиздек, бу имтиҳон кимнингдир қўли узунлиги, ҳал бўлмай ётган хўжалик ишларини, чала ташлаб кетилган қурилишларни бир ҳаракат билан битириб ташлашга қодирлиги кўриги бўлмайди. Қишлоққа газ олиб келиш, йўл қуриш, кўприкни созлаш, боғчани сут-қатиқ билан таъминлаш ишлари билан шуғулланадиган мутасаддилар бор. Депутатнинг вазифаси бошқа.

Бу тўғрида ҳозир матбуотда кўп ёзилмоқда. Мустақилликнинг дастлабки йилларидаги сайловларда йўл қўйилган камчиликларни такрорламаслик, ким ваъдани қуюқ берса, мавжуд муаммоларни бир зумда ҳал қилиб ташлайман, дея ишонтирса — уни зўр деб билмаслик лозимлиги ҳақида мулоҳазалар айтилмоқда. Эътиборли томони шундаки, бу мулоҳазаларни бугун сайловчиларнинг ўзлари айтишмоқда. Сўнгги саккиз йил ичида мамлакатимизда юз берган ўзгаришларнинг энг муҳими — бу одамлар дунёқарашидаги ўзгаришдир. Бугунги сайловчи Шўролар давридаги ёппасига овоз берувчидан кескин фарқ қилади. У йиллари сайловнинг бош ютуғи — вақтида сайлов участкасига бориб, бюллетенни қутиларга намойишкорона ташлаш эди. Ким сайланаяпти, қаерга сайланаяпти, нима иш қилмоқчи, бунинг ҳеч қанақа аҳамияти йўқ эди. Муҳими овоз беришда ҳамма-ҳамманинг бехато иштирок этишини таъминлаш эди. Сайловнинг ютуғи шу кўрсатгич билан белгиланарди.

Бугунги талаблар бошқача. Депутатлик имтиёз эмас — буни тушуна бошладик ва охиригача ҳаммамиз тушуниб олмоғимиз даркор. Депутатлик — бу куюнчаклик, фидойилик, ташаббускорлик, бошқалардан кўра, бироз бўлса-да, олдинга чиқиш, ўй-хаёлни мамлакат, миллат равнақи манфаатлари билан бошқалардан кўра кўпроқ банд этиш. Депутатлик — қонунларни, қонунчиликни ўрганиш, қонунлар тилини ўзлаштириш, давлатнинг ички ва ташқи сиёсатида парламентнинг роли, ҳокимият органлари билан ўзаро муносабатлари ва бошқаларни англаш ва фаолиятни шу асосда олиб бориш демакдир. Парламент кучли бўлса қабул қилинаётган Қонунлар, ҳужжатлар ҳам кучли бўлади. Бадиий асарлардаги камчиликни тушуниш мумкин, тузатиш мумкин. Аммо қонунлардаги ноаниқликни тузатиш анча қийин кечади.

Депутатликка номзодлар ичида кўплаб ижодкор зиёлиларнинг борлиги қувонарли ҳолдир. Аммо бунинг жуда катта масъулияти ҳам бор. Эртага Олий Мажлисда нафақат маданий ҳаётга, айни пайтда қонунчиликка, қишлоқ хўжалигига, халқаро муносабатларга таллуқли Қонунлар лойиҳалари, ҳужжатлар тайёрланади. Аввалгидек, кўпчилик маъқуллаяптими, мен ҳам маъқуллашим керак, дея тугмачани кўр-кўрона босиш ярамайди. Ҳар бир депутат ўзи овоз бераётган ҳужжатнинг маъносини, моҳиятини чуқур англаб етмоғи керак. Белгиланган тартибда баҳсга кириши, ўз мулоҳазаларини айтиши, керак бўлса, қабул қилиниши таклиф этилаётган лойиҳага тузатишлар киритиши, бу тўғридаги муҳокамада фаол қатнашиши лозим бўлади.

Депутатнинг бошқа бир масъулияти ҳам бор. У халқнинг вакили, сайловчилар иродасининг ифодачиси. Демакки, у кўпроқ одамлар орасида бўлиши, ҳаётни бор пасти-баландликлари билан кузатиши, ҳар қандай шароитда ҳам ўз масъулиятини унутмаслиги керак. Унинг депутатлиги сўз ва амалларининг бирлигидан, эл қатори туриш-турмушидан, куюнчаклигидан, фидойилигидан билиниб турсин. Одамларни тинглашидан билинсин. Сайловчиларнинг сўровлари эътиборсиз қолиб кетмасин, ҳузурига келаётганлар депутат билан мулоқотда бўлиб, номзодларни танлашда хато қилмаганликларига амин бўлсинлар.

Бундай мақомга ўз-ўзидан эришиб бўладими? Ижодкор зиёли оила, ҳуқуқ ва мулк муносабатларига доир қонунчиликни ёки қишлоқ хўжалиги ходими халқаро муносабатлар ёхуд маданий-маънавий масалаларга доир амалдаги меъёрий ҳужжатларни ўзлаштириши, очиқ айтиш керак, бир куннинг иши эмас. Талабчан профессор олдида имтиҳон топширишга тайёргарлик кўраётган талаба каби, депутат ҳам ўзи устида жиддий иш олиб бориши, билим ва малакасини ҳар жиҳатдан бойитиши зарур бўлади.

Бугун номзодларнинг сайлов участкаларидаги учрашувлари бошланмоқда. Номзодлар рўйхатига қараб, кўнгилда мунаввар туйғулар уйғонади. Номзодларнинг аксарият кўпчилиги эл-юртда обрў-эътиборга эга, фидойи, ўз соҳасини яхши биладиган, мустақил фикрли кишилар. Мана шу рўйхатнинг ўзиёқ мустақиллик деган иноятнинг туб моҳиятини кўрсатиб турибди — қисқа вақт ичида миллат фарзандлари орасидан бугуннинг, эртанинг муносиб ёш етакчилари етишиб чиқмоқда. Улар кўп соҳаларда ўзларини эркин ва дадил намоён этмоқдалар.

Албатта, катта кураш майдонига кираётганларнинг ҳаммасига ҳам омад кулиб боқмайди. Кимдир ғолиб, кимдир мағлуб бўлади. Аммо, депутатлик курашининг бошқа курашлардан фарқи шундаки, ғолиблар ғалаба нашидасини суриб, мағлублар изтиробда қолмасликлари керак. Номзодликка кўрсатилишнинг ўзи — катта ишонч. Сайлов натижалари қандай бўлишидан қатъий назар, шу ишончнинг ўзини оқлашга тўғри келади. Депутат бўлиб сайланган киши халқ учун қанчалик куюниб иш бошласа, ўтмаганлар ҳам улардан қолишмай меҳнат қилишлари, чинакам фидойи эканликларини амалда кўрсатишлари лозим. Демакки, халқ манфаатлари йўлидаги соғлом рақобат сайловдан кейин ҳам давом этади. Омад бу гал келмаса, кейинги гал, албатта, келади.

Ва, ниҳоят, номзодларнинг ўзаро баҳслари тўғрисида. Мана шу баҳсларда ҳар бир номзоднинг ички маданияти, баҳс олиб бориш маҳорати, бошқа номзодларга муносабати, қисқаси инсонийлик фазилатлари намоён бўлади. Рақибни менсимаслик, сўзларини тингламаслик, «фақат мен бўлишим керак, бошқаларни қўйинглар» қабилидаги калондимоғлик одамларда ёмон таассурот қолдиради, акс натижа беради. Номзодларимиз бу босқичда халқимизнинг энг яхши фазилатларини намойиш этмоқлари керак, бир-бирларини обрўсизлантирадиган ҳаттиҳаракатлардан тийилмоқлари, сўз ва ибораларни минг чертиб танлашлари лозим бўлади. Негаки, сайлов ўтади, депутатлик муддатлари ҳам тугайди. Фақат тоғ тоғ билан учрашмайди холос. Ортиқча битта сўз, битта иборанинг зарҳи эса узоқ вақт сақланиб қолади.

Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ

ҲАР ГУЛНИНГ ЎЗ АТРИ БОР

БУГУН юртимизда қўшалоқ тўйу тантаналар бошланмоқда. Уларнинг бири қадим Хоразм воҳасида бўлиб ўтадиган моҳир саркарда, халқимизнинг миллий қаҳрамони Султон Жалолиддин Мангуберди таваллудининг 800 йиллиги тўйи бўлса, иккинчиси ЭРТАГА Сурхон воҳасида бошланадиган «Алпомиш» достони яратилганининг минг йиллиги тантаналаридир.

Мамлакатимизни ёруғ истиқболларга олиб чиқувчи учинчи минг йиллик бўсағасида бўлиб ўтаётган бу тўйу тантаналар мустақиллик шарофати билан ўз миллий қаҳрамонлари ва маданий қадриятларини эъзозлаш шарафига эга бўлган халқимизнинг қувонч ва шод-хуррамлик байрами ҳамдир.

«Алпомиш» эпосининг минг йиллик тўйи муносабати билан унинг ҳозирга қадар эълон қилинмаган айрим вариантлари нашр этилиб, тўёна сифатида халққа тақдим қилинди. Бадиий жиҳатдан баркамол, қаҳрамонлик эпосига хос концептуал ғоя ифодалаган вариантлардан бири эл ардоқлаган халқ бахшилари Муҳаммадқул Жомрод ўғли Пўлкан ҳамда Эргаш Жуманбулбул ўғлидан 1926 йилда Муҳаммадиса Эрназар ўғли томонидан Самарқанд шаҳрида ёзиб олинган. Ушбу вариантни яқинда «Ёзувчи» нашриёти кўп нусхада чоп этди.

«Алпомиш»нинг ушбу вариантида ҳам қирқ минг уйли Кўнғирот элининг беги Бойбўри ва унинг иниси ўн бир минг уйли Кўнғиротнинг бойи Бойсари ўртасида низо келиб чиқиши, Бойсарининг қалмоқ юртига аразлаб кўчиб кетиши, Ҳазрати Хизир, Пир Шоҳимардон ва эронлар марҳамати билан бино бўлган, чақалоқлик пайтларидаёқ азизларнинг дуоси билан унаштирилган Ҳакимбек билан Барчин ўртасидаги муносабатлар кенг эпик талқинда қизиқарли баён этилган.

Достон воқеаларининг умумий йўналиши Фозил Йўлдош ўғли ижро этган ва қаҳрамонлик эпосига хос мезонлар эталони ҳисобланган вариант билан уйғунлик касб этади. Бинобарин, Пўлкан шоир ва Эргаш шоирдан ёзиб олинган мазкур асарни алоҳида мустақил асар ҳисоблашга асос борми, деган савол туғилиши мумкин. Ҳамма гап шундаки, умуман халқ ижоди, хусусан халқ эпоси, фақат вариантлилик билан вужудга келади, фақат вариантлилик билан яшайди ва ривожланади. Шу боис «Алпомиш» эпосининг биргина Кўнғирот версияси қирқдан ортиқ мустақил вариантлардан ташкил топган. Уларнинг барчаси ягона эпик концепцияни ифодаласа ҳам, бироқ ҳар бир вариант тўла маънода мустақил бадиий асар ҳисобланади. Халқ ижодигагина хос бундай хусусиятни эса улкан бир чаманзор ва унинг бағридаги рангин, хос гулларнинг ўзаро муносабатига қиёслаш орқалигина тасаввур этиш мумкин. Шу маънода «Алпомиш» эпоси улкан бир чаман бўлса, унинг вариантлари ана шу чаманни ташкил этган хос гуллардан иборат. Шу жиҳатдан достоннинг Пўлкан ва Эргаш шоир варианти мустақил достондир. Мазкур вариантнинг Фозил Йўлдош

Давоми 3-бетда

СОҲИБЖАМОЛЛАР ТАНЛОВИ

2 ноябр куни мамлакат пойтахтидаги «Интерконтинентал» меҳмонхонасининг Амир Темур кошонасида республика миқёсида ўтказилган «Ўзбекистон гўзали-99» биринчи гўзаллар танловининг якуний маросими бўлиб ўтди. Тошкент шаҳри ҳамда мамлакатнинг барча вилоят ва шаҳарларида ўтказилган гўзаллар танловининг ғолиблари икки ҳафта мобайнида танловнинг якунловчи босқичи тадбирларида иштирок этдилар. Улар ёши ўн саккиздан йигирма бешгача бўлган йигирма беш нафар ҳали турмушга чиқмаган қизлардир.

«Ўзбекистон гўзали-99»

Соҳибжамоллар танловининг бош ҳомийси «Виртех-Инвест» қўшма корхонаси томонидан рўйхатга олинган «Тамга» савдо белгиси ташкилоти бўлиб, у инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш асосида ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар учун мўътабар ёрлиқ қўйиш ваколатига эгадир. Бундан ташқари, ушбу танловга «Фаст Фуд «Мир» савдо-хордиқ маҳмуи, мева шарбатлари ишлаб чиқарувчи «Nova» корхонаси, «Sheraton Toshkent» меҳмонхонаси, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси ҳам ҳомийлик қилишди. Ўзбекистон Тадбиркор аёллар ассоциацияси ва Республика «Камолот» ёшлар жамғармаси эса соҳибжамоллар танловини қўллаб-қувватлашди.

Тошкентдаги «Осиё услуби» («ASIAN STYLE») маделлар агентлиги, «Эльза» гўзаллик салони, «Иқтисод ва ҳуқуқ дунёси» ноширлик уйи»нинг «SAIDA» журнали, «Алладин» реклама агентлиги, қатор хорижий фирмаларнинг вакилликлари ва бошқа кўпдан-кўп ташкилотлар ҳам мамлакат миқёсида биринчи марта ўтказилган ана шу гўзаллар танловини тайёрлаш, ўтказиш, қизлар учун чиройли ва хушбичим кийимлар тикиш, мусиқа ва камалакнинг етти хил рангида тўсланувчи чироқларни созлаш сингари ишларга ўз ҳиссаларини қўшдилар. Тошкентнинг эстрада юлдузлари эса ўз қўшиқлари билан танлов маросимига файз бағишладилар. Айрим қўшиқлар матнининг саёзлиги, айрим мисраларнинг ҳаддан ортиқ даражада кўп такрорланиши ва мусиқа овозининг қулоқларни қоматга келтирар даражада баланд бўлганини ҳам

(Давоми 4-бетда)

БАЙРАМ МУШОИРАСИ

Бу йилги тил байрами Тошкент Давлат юридик институтида ҳам катта тантана билан нишонланди. Институтда «Тил байрами — эл байрами» деб номланган дастур шодиёнаси уч босқичда бўлиб ўтди. Биринчи босқич — «Тил — маънавият гулшани», иккинчи босқич «Тил — мустақил тафаккур рамзи», учинчи босқич «Тилга эътибор — элга эътибор», деб аталди.

«Қонун, тил ва ҳуқуқий маданият амалиёти» деб номланган халқаро илмий-амалий анжуманнинг ўтказилиши муҳим аҳамият касб этди. Ушбу анжуманни институт ректори, профессор Ҳ. Бобоев очди. Анжуманда «Давлат тили ҳақида қонун ва ўзбек тили ижтимоий вазифасининг ортиши» мавзуида доктор Сара Чандлер (Канада), «Ўзбек тилида ҳуқуқшунослик атамалари тараққиёти» мавзуида Г. Ғуломова (ТДЮИ), «Халқаро ҳуқуқий атамалар» мавзуида тадқиқотчи Мўмин Ришат (ХХР) ва бошқалар маъруза қилдилар. Сўзга чиққанлар ўзбек тилининг жаҳон ҳамжамиятидаги имкониятларига атрофлича тўхталиб, уни севиб ўрганишни ҳаётий ҳаракат ўтдилар.

Шундан кейин «Шеърият ва ҳуқуқий маданият» мавзуидаги шоирлар мушоираси ҳақиқий тил байрамига айланиб кетди. «Ўзбек тили ва адабиёти» кафедраси мудири, профессор Карим Назаров ушбу мушоирани очар экан, унинг қатнашчиларини нуфузли байрам билан табриклади. Мушоирада Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари, шоир ва ёзувчи Йўлдош Сулаймон шўролар замонида тилимизга нисбатан кўрсатилган ҳурматсизликлар хусусида куюниб гапирди ҳамда ўзининг янги шеъларидан ўқиб берди. Шоирлардан Мирпўлат Мирзо, Шукур Қурбон, Гулчеҳра Йўлдошева, Маҳмуд Тоир, Фарида Афрўз ва Абдурахмон Жўраев она-юрт, севги-муҳаббат ҳақидаги шеърлари биан анжуман руҳига руҳ қўшдилар. Абдували Қутбиддин, Эшқобил Шукур ва Нигора Йўлдошеванинг чиқишлари йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

Ҳуқуқий давлат қурилиши назарияси кафедрасининг мудири Гулнора Мансурова, «Маънавият ва маърифат» иқтидорли талабалар билан ишлаш бўлими бошлиғи Мавжуда Толибова, 2-ҳуқуқ факультетининг талабалари Зулхумор Сатторова, Саодат Дўсмонова ўзларининг тил, иймон ва меҳр-оқибат ҳақидаги шеърларидан ўқидилар.

Гулчеҳра ХЎЖАНОВА

МАНГУ БАРҲАЁТ СИЙМО

Дунёда шундай ижодкорлар бўладики, уларнинг ижод маҳсули турли сабабларга кўра ўз вақтида қадрини топмайди, ҳатто баъзилари тириклигидаёқ буюклик даражасига етган бўлса ҳам, тан олинмайди. Бизда шўролар тузуми даврида бундай инсонлар кўплаб ўтиб кетдилар. Ўзбек миллий киноси асосчиларидан бири, замонамизнинг буюк санъаткори Наби Ғаниев ана шундай инсонлардан эди. Бу ижодкорнинг асарлари ўзбек санъатини жаҳон узра танитди ва ҳамон ўз қадр-қимматини йўқотмай келмоқда. Н. Ғаниев нафақат кино устаси, балки яхшигина рассом, истеъдодли созанда, росмана актёр ҳам эди. У қолдирган мерос бугунги ўзбек кино ижодкорлари учун ҳамон намуна вазифасини ўтаб келмоқда. Шундай бўлса-да, Н. Ғаниев мероси, анъаналарини давом эттиришда изчилликка эришиш борасида янада жиддийроқ ўйлаб кўриш лозим.

27 октябр куни пойтахтимиздаги Киночилар уйида санъаткорнинг 95 йиллиги муносабати билан ўтказилган илмий конференцияда шулар ва кино устасининг бошқа муҳим фазилатлари алоҳида қайд этилиб, унинг ижоди ҳақида мазмунли маърузалар тингланди. «Наби Ғаниев ижоди ва ўзбек киносининг ривожланиши масалалари» деб номланган конференцияни «Ўзбеккино» ДАК раиси Т. Юнусов кириш сўзи билан очди. Шундан сўнг киношунослар Ж. Тешабоев «Наби Ғаниев ижоди ва ҳозирги ўзбек киноси», Ҳ. Абулқосимова «Тоҳир ва Зуҳра» филмининг поэтик қурилмаси», А. Ҳасанов «Наби Ғаниев ва кинопублицистика», Ҳ. Акбаров «Маълум ва номаълум Наби Ғаниев» каби мавзуларда маърузалар қилдилар.

Шу куни кечқурун Киночилар уйининг Катта залида санъаткорга бағишланган хотира кечаси бўлди.

МАЪРИФАТ ЧАМАНИ

Тошкент Давлат иқтисодиёт университетида «Маънавият ва маърифат маркази» ташкил этилган. Бу ерда мунтазам равишда факультетлар бўйича алоҳида-алоҳида ҳар ҳафтада талаба-ёшлар учун тарбиявий соат фаолият кўрсатмоқда. Ҳар ойда бир-икки марта умумуниверситет миқёсидаги учрашувлар, бадиий кечалар, давра суҳбатлари, савол-жавоб кечалари бўлиб ўтади. Ана шундай йиғинлардан бири куни кеча «Нутқ маданияти ва талаба-ёшлар тарбияси»га бағишланди.

Тарбиявий соатда таржимашунос олима Мақсуда Содиқованинг нутқ гўзаллигига доир суҳбат-маърузаси ҳамда таниқли шоир, «Ўзбекистон овози» газетаси бош муҳаррири Азим Суюннинг она Ватан, табиат ва поклик ҳақидаги манзумалари, шоир Барот Яраш шеърлари янгради.

Университетда маънавият ва маърифатга бағишлаб ўтказилаётган бундай қизиқарли тадбирлар талаба-ёшлар учун чинакам маърифат чаманига саёҳат бўлаётир.

Иззатилло ЗОКИРОВ

ДИЛ ҚУЛФИНИ ОЧГАН УЧРАШУВ

Истеъдодлар ўзи улғайган гўшага талпиниб яшайдилар. Қадим Мирзачўлнинг шўра-ю янтоқзорларини аёвсиз кезган, ўз ғояси, фикру ўйи, теран қарашлари, ўз дунёси билан яшаган кечаги бола бугун олим.

Сирдарё вилояти Мирзаобод туманидаги Усмон Юсупов номли маҳалла аҳли ҳамюртлари, Мирзо Улуғбек номли Тошкент Давлат университети филология факультети декани, филология фанлари доктори, профессор Қозоқбой Йўлдошев ҳамда «Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталари Бош муҳаррири, Жаҳон Маданият ва санъат академияси аъзоси, шоир Азим Суюнни илиқ кутиб олдилар. Ҳамза номли 2-мактабда дийдорлашув, дилдан суҳбат бўлди.

Учрашувни олиб борган туман халқ таълими бўлими мудири Ҳамза Эшназаров Қ. Йўлдошевнинг таълим соҳасини ислоҳ қилишдаги хизматлари, айниқса, ёш авлодга тақдим этган янги адабиёт дарсликлари хусусида ўз мулоҳазаларини билдирди. Сўнгра шу мактаб директори Баҳринисо Сангирова ўз фикрларини очиқ-ойдин баён этди:

— Янги нашрдан чиққан 6-синф адабиётини қўлга олганимизда биз муаллимлар зиммасига катта масъулият юклатилганлигини ҳис этдик, — дейди у. — Чунки дарслик илгаригиларидан мутлақо фарқ қилади. Афзаллиги шундаки, ўқитувчини ҳам, ўқувчини ҳам мушоҳада юритишга, изланишга, фикрлашга ундайди.

Профессор Қозоқбой Йўлдошев бугунги авлодни кечаги чўпчаклар билан овутиб бўлмаслиги, миллий онг, теран тафаккур, эркин фикр, Ватанга муҳаббат руҳини ўзида акс эттирган дарсликлар яратиш устида олиб борилаётган изланишлар хусусида тўхталди.

Ниҳоят кўпчилик кутган лаҳзалар етиб келди. Йиғилганлар таниқли шоир Азим Суюн билан юзма-юз бўлдилар. Мунозара узоқ давом этди. Дилларнинг сирли қулфлари очилди.

ЭСЛАТИБ ҚЎЙИШ БИЗДАН...

Бу дунёда ташвишсиз битадиган ишнинг ўзи йўқ. Бошқасини қўяйлик, меҳмонга бормоқчи бўлсангиз ҳам, бир дунё оворагарчилик: кийимга дазмол босиш керак, соқолни қайта қиртишлаш керак, эрталабки маставага саримсоқпиёз солинган бўлса, тишни яхшилаб ювиш керак, юз эллик сўмга «Тик-так» сотиб олиш керак, рўмолчани алмаштириш керак...

Бордию ҳовли сотиб олмоқчи бўлсангиз, эҳ-ҳе, ташвиш деганлари сизни ўраб-чирмаб ташлайди — қанчадан-қанча ҳужжат тайёрлаш керакми — керак, маҳалладан, ишхонадан справка олиш керакми — керак, нотариусда навбатга туриш керакми — керак, «БТИ»даги акаларга бирорта нарса ишора қилиш керакми — керак, янги уйга кўчиб кирмасингизданоқ таъмирни бошлаш керакми — керак, қайдасан «Ўрикзор бозори» деб чопиш керакми — керак...

Ҳовлини кўя турайлик, маҳалла гузаридаги киоскадан ҳар жума куни масалан «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасини сотиб олишнинг ҳам анча-мунча ташвиши бор — пайшанба куни эрталаб киоскачи амакига қуюқ салом бериш керак, «Акахон, бизга бир дона олиб қўясизда,а», дея озроқ «закалат» узатиш керак, кечқурун, ишдан қайтаётганингизда тешикчадан бош суқиб яна бир марта эслатиб қўйиш керак, эртасига эрталаб ўғилчани чиқарсангиз, киоскачи «Қанақа закалат» деб жавоб берса, оббо, дея нонуштани чала қолдириб ўзингиз оёққа туришингиз керак... Турган-битгани ташвиш...

Агар сиз шу кунларда газетамизга келгуси йил учун обунани гулдай қилиб расмийлаштириб қўйсангиз, йил давомида ташвиш нималигини билмайсиз. Бунинг учун оддийгина обуна бланкасини тўлгазсангиз бас, бошқа расмиятчиликнинг мутлақо кераги йўқ. Ҳеч ким сизга «Бориб мана буни нотариусдан тасдиқлатиб келинг» ёки «Адабиёт газетасини ўқимоқчимисиз, ҳо, бориб маҳаллангиздан справка олиб келинг» демайди. Аксинча «Яшанг, тўғри қиласиз, йил ўн икки ой мазза қилиб ўқийсиз» дея ҳаваси келади.

Асримизнинг сўнгги йилида биз билан ҳамкорлик қилмоқчи бўлганлар ютқазмайдилар — биз сиз билан сизбоп мавзуларда гаплашамиз, сизни қувонтираётган воқеа-ҳодисаларни шарҳлаймиз, сизни ўйлантираётган муаммолардан баҳс очамиз.

Кўп нарса ваъда қилмаймиз — кўнглингиздагини топсак бас!

Газетамизга ҳамма жойда чекланмаган миқдорда обуна бўлиш мумкин.

Нашр кўрсатгичларини эслатамиз:

— якка обуначилар учун — 222

— ташкилотлар учун — 223

Давоми 4-бетда. Илтимос, бир қараб қўйинг. 4-бет

ЁШ ИСТЕЪДОДЛАР ҒАЛАБАСИ

Ўзбек миллий фортепиано ижрочилик санъати жаҳон миқёсида яна бир ғалабани қўлга киритди. Ёш ижрочилар Васила Умарова ва Ирэн Гулзарова Италиянинг Акропол шаҳрида ўтган ХХII халқаро болалар ва ёшлар ўртасидаги пианиночилар танловида қатнашиб, иккинчи ўринга сазовор бўлишди. Ушбу танловда Япония, Корея, Австрия, Австралия, Россия, Греция, Украина, Руминия, Болтиқбўйи республикалари, Югославия, Полша каби мамлакатлардан ёш ижрочилар қатнашдилар. Танлов ижрочиларнинг ёшига қараб беш категорияда ўтказилди.

В. Успенский номидаги мусиқа мактабининг 6-синф ўқувчиси В. Умарова «А», шу мактабнинг 11-синф ўқувчиси И. Гулзарова «Б» категорияда маҳоратларини намойиш этдилар. Васила танлов ҳайъати раисининг махсус совринига ҳам сазовор бўлди. Ирэн эса Милан консерваторияси профессори В. Перротининг махсус мукофоти билан тақдирланди.

Танлов президенти, профессор Флора Галло хат орқали миннатдорчилик билдириб, ўзбек қизларининг маҳоратига юқори баҳо берди. Санъат ғунчаларининг ушбу танловда қатнашишларини таъминлашда «УзпромашИНТЕКСТ» компанияси, Маданият ва маърифат республика кенгаши маслаҳатчиси Насруллоҳ Тўла жанобларининг ҳомийлиги катта аҳамият касб этди. Италиядаги Ўзбекистон элчихонаси вакиллари ҳам ёш ижрочиларга моддий-маънавий томондан катта ёрдам кўрсатдилар.

Сайёра МАВЛОНОВА

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI

ПАЙКАЛЛАРГА СОЧИЛГАН САФАРБАРЛИК

Сумбуланинг суви тиниқди. Ҳавода қиларғамчи мисол мезон толалари. Дилни лоҳас қиладиган саратон эпкини ортга чекинган. Дашту далалар оша эсган кузак шамоли этни жунжиктиради, эртанги кун ташвишида ҳаммани шоширади. Шоир таъбири билан айтганда «Диққинафас уйда ётмоқ пайти эмас» бу паллада касби-корингдан қатъий назар далаларга ошиқинг, бойчечак бодрамасдан уйжойини тарк айлаб, шу сонияларда ҳам ўз пайкалида «бедорлик бедори»нинг сувлуғини ўйнатаётган бободеҳқоннинг ҳузурига йўл олгинг, унинг қадоқ қўлларини кафтингга олиб, «ҳорма — бор бўл!» қилгинг келади...

...Қарши тумани ҳокими Сайфулла Хайруллаев доимий одатига кўра соҳаркез далаларни айлангани айланган, шу тобда эндигина кабинетига кириб телефонда ким биландир сўзлашаётган экан:

— Ёмғир баҳона бўлолмайди, ука! Кундан-кунга суръатни ошириш ўрнига... Ана ён қўшниларингиз Яхши Омонов номли хўжаликдан ўрнак олинг. «Чароғил»ликларчи?! Санацияга тушдик деб қўл қовуштириб ўтирганлари йўқ-ку? Уларда ёмғир ёғмаганми?! Пахтакорнинг ҳашарчининг шарт-шароитини яхшиланг, одамлар дилига йўл топинг. Ўшанда ишингизда ривож бўлади. Келишдик-а? Қандай муаммо. Етишмовчилик бўлса тўғри ўзимга сим қоқаверинг...

Сайфулла ака мақсадимизни хушнудлик билан қабул қилди.

— Икки оғиз илиқ калом, шу кеча-кундузда деҳқонга сув ва ҳаводек зарур! Айниқса, матбуот, телевидение...да пахтакорнинг фаолиятини тарғиб ва ташвиқ қилиш, унинг бир ғайратига ўн ғайрат қўшади. Теримда кўрсатгич бўйича олдинги ўринларда бораётганимиз сабаби туманда пахтачиликда бой тажриба орттирган деҳқонлар, хўжалик раҳбарлари кўпчилик. Яхши Омонов номли, «Ипак йўли», Собир Раҳимов номли, «Бешкент» хўжаликларида сафарбарлик ва ишни ташкил этиш талаб даражасида. 14 пахтачилик хўжалигининг барчасида ишчи-хизматчилар, ҳашарчилар учун яратилган зарур шароитлар кундалик назоратимизда турибди. Вилоят ҳокимлигининг пахтакорларга мурожаатномаси асосида ўз тадбирларимизни тузганмиз. Хуллас, хоҳлаган хўжаликка борсангиз, бугунги меҳнат фидоийларини учратишингиз табиий. Лекин, мен сизларга «Чароғил» жамоа хўжалигига боришни тавсия этардим. Боиси, бундан икки йил бурун қўшни туман ихтиёридаги бу хўжалик санацияга тушиб, сўнг бизга олиб берилганди. Аҳвол ниҳоятда ташвишли эди. Беш йил давомида хўжаликда 7 раис алмашган. Йиллаб маош ололмаганликлари сабаб, одамларнинг ишдан кўнгли совиган, далалар қаровсиз ҳолга келганди. Хуллас, ишнинг кўзини биладиган, хўжаликнинг шарт-шароитини тушунадиган, одамларнинг кўнглига қўл соладиган раҳбарга зарурат туғилганди. Ҳозирги раис Барот Бозоров анча серҳаракат раҳбарлардан бўлиб чиқди... Ҳамма гапни айтиб қўймай, қолганини хўжалик мутасаддилари, ишчи-хизматчиларидан сўраб-суриштирсангизлар мақсадга мувофиқ бўлар...

«Чароғил» хўжалиги қўшни Нишон туманига туташ, бошқа чўл ҳудудлардан унча фарқланмайди. Қора тасмадек асфальт йўл, теграси зовур-коллекторлар билан ўралган кети-поёни йўққа ўхшаш далалар. Фақат аҳён-аҳёнда оқ пайкаллар орасида бўй тортган оппоқ бино-дала шийпонлари кўзга ташланиб қолади.

Тошкент вилояти Бўка жамоа хўжалигидаги пахта тайёрлаш пункти лобарантлари (чапдан) Света Салимонова ва Гулшот Дурунбетовалар.

Хўжалик раиси ўрта бўй, буғдойранг, серҳаракат «дала либоси» — оёқда этик, эгнида китель бошда тўр шляпалик Барот Бозоров билан эгатма-эгат оралаб юриб ана шундай шийпонлардан бирининг қаршисидан чиқдик. Икки-уч ишчи шийпон майдончасида ёйилган пахтани «шамоллатиш» билан банд, оқ халат, оқ дуррачали жувон эса ўчоқ ёнида афтидан тушлик таом тайёрларди.

Бизни кўргач қотма, новча йигит юмушини ташлаб пешвоз юрди.

— Омонбой, чарчамаяпсизми? — Барот ака саломлашгач бизга юзланди. — Бу йигитимиз Омон Бойназаров, илғор оилавий пудратчилардан. Хўш, терим қандай кетаяпти?

Омон Бойназаров турмуш ўртоғи, фарзандлари, ака-укалари билан, жами олти киши оилавии пудрат шартномасига имзо чекиб, хўжаликдан 31 гектар ер олган экан. Ўтган йили ҳам шартнома режасини ошиғи билан уддалаб, салмоқли даромад қилишгач, яна «ғайрат камарини маҳкамроқ» боғлашибди. Қиш ойи билан, олди баҳор барча агротехник тадбирларни сифатли ўтказибди. Бу ўринда акаси Аслонбек, укаси Ғулом ва ўзининг механизатор бўлгани, «техника билан тиллаша олиши» қўл келибди. Шундан сўнг тасарруфидаги пайкалларга 1 тонна 830 килограмм чигит қадашибди.

Кейинги манзилимиз Нормамат Бозоров бошлиқ оилавий пудратчилар даласи бўлди. Эгатларда бодроқдек очилган, чаноқлардан кўпириб тошган пахта «чўғи»ни кўриб беихтиёр тўлқинланиб кетасан.

Нормамат Бозоров меҳнатга «суяги йўқ», гапга қолганда камсуқум кўринсада, аммо, пахтадан гурунг очилса қулфидили очилиб кетаркан. Пайкал чеккасига оҳиста сузиб келган «Кейс» терим машинасининг шовқинидан суҳбатимиз бир муддатга бўлинади. Фурсатнинг ҳар бир дақиқаси «олтинга тенг» бўлиб турган бир дамда механизаторни ёнимизга чорлаб, ишдан қўйишни хоҳламаймиз. Аммо, унинг таъриф-тавсифини Нормаматдан билиб оламиз.

— Бу йигитнинг исми Султон... Далалар султони дея ёзсанглар ҳам бўлади. Мана раисимиз Барот Бозоровнинг кўмаги билан ҳозир даламизда бир эмас 2та «Кейс» пахта тераяпти. Кунлик терим салмоғи ҳар бириники 14-16 тонна атрофида.

— Бир хиллар қўл теримини афзал кўришади, — суҳбатга қўр ташлаш учун савол ташлаймиз. — Айтишларича шунда пахтанинг сифати юқори бўларкан...

Нормамат бош силкийди.

— Кимга қандай?! Масалан, мен ўтган йили қўлда тердириб куйиб қолдим. Даромаднинг асосий қисми ҳашарчиларга кетди. Мана ҳозир ҳам қўл теримда бир кило пахта 8 сўм, машинада эса 4 сўмга тушаяпти. Биринчидан техника суръатни берса, иккинчидан шу тариқа оиламга даромад кўп қолади. Сифат масаласига келсак, билингки, пайкал машинабоп бўлмаса, далани ғумай, шувоқ босса пахтаси ҳам ифлос териладида! Биз эса эрта баҳордан эгатларни машинага мослаб тайёрлаганмиз.

Тўвлиқ Бердиевлар оилавий звеноси ҳам аллақачон шартнома режасини бажаришган. Шу кунгача 99 тонна ўрнига 110 тонна пахта теріб топширилган. Мавсум охиригача бу кўрсаткични 145-150 тоннага етказишмоқчи. Ушанда ойликдан ташқари 400 минг сўмдан ошириб даромад олишади. Бундан ташқари, хўжалик раиси Барот Бозоровнинг жамоа номидан ташкил этган «махсус совға»сини ҳам қўлга киритиш нияти бор.

Хуллас, хўжаликдаги қайси бўлимда бўлмайлик бутун эътибор терим суръати ва сифатига қаратилаётганлиги, икки йилдирки аҳвол ижобий томонга ўзгарганлиги, бунда оилавий пудрат афзалликларининг таъсири катта бўлаётганлиги хусусида сўз юритишди.

— Мен хўжаликда ҳам, деҳқончиликда ҳам янги одам эмасман, дейди Барот ака. — Кўз очиб кўрганим пахта даласи. Оддий колхозчи, звено, бригадир бўлиб ишлаганман. Олий маълумотли агроном дипломини олгач шу хўжаликда агроном, бўлим бошқарувчи, вазифаларида ишладим. Раис бўлгач, бирор-бир «кадр»ни бўшатганим ёки ўрнини алмаштирганим йўқ. Жуда оғир шароитда иш олиб боришга тўғри келди. Дренажлар ишдан чиққан, майдонларни шўр қоплаган, ўт босиб кетган. Энг ачинарлиси йиллаб қўли иш ҳақи кўрмаганлиги боис одамларнинг кўнгли меҳнатдан совиган эди... Биринчи ишим, жамоадаги етти яшардан етмиш яшаргачани йиғиб очиқ-ойдин маслаҳатлашиб олдик. Уларга «четдан ҳеч ким келиб» ишимизни ўнглаб беролмаслигиҳи тушунтира олдим. Ҳаммага қобилияти, имкониятига қараб деҳқончиликка яроқли ерлар тақсимланди. Кимдир ғалла энди, бошқаси чигит... Бошқача айтганда оила пудратига асос солинди. Туман ҳокими Сайфулла ака Хайруллаевнинг шахсан ўзи хўжалигимизни «оталиққа» олди. Техника, ёнилғи, маблағ муаммосида етарлича кўмак кўрсатилди. Хусусан, туманда тузилган «зарбдор бригада»нинг бу борадаги ёрдами ниҳоятда салмоқли бўлди. Натижа нима бўлди дейсизми? Ўтган йилнинг ўзидаёқ пахта ҳосилдорлиги гектаридан 6 центнерга, ғалла эса 11 центнерга ошди. Йилни эса 11 миллион сўм фойда билан якунладик. Бундан одамларимизнинг ўзларига бўлган ишончи янада ортди. 1997 йилда ғалладан гектарига 14 центнер, пахтадан эса бор-йўғи 12 центнердан ҳосил олинганди. Бу йил эса ғаллачиликдаги 28 пудратчимиз тасарруфидаги 800 гектар майдондан 2320 тонна дон топширишди. Бу белгиланганда анча ортиқ кўрсатгич. Ҳосилдорлик эса гектарига 22 центнердан ошиб, бир миллион сўмдан ошиқ соф фойда кўрдик. Ҳозирча гектаридан 21 центнердан ҳосил кўтардик. Мавсум охиригача бу мўлжални 25-26 центнерга етказиш ниятимиз бор. Ушанда олинадиган соф фойдамиз 15 миллиондан ошиб тушади.

«Чароғил»лик деҳқонлар ҳузуридан қайтарканмиз, хаёлимиздаги уйқаш фикрлар қоғозга кўчди: «Дунёда хайрли ишлар кўп. Хайрли ишларнинг савоблиси эса ерга меҳр қўймоқ, ризқ-рўз ундириб кўпчиликнинг дастурхонини бойитмоқдир». Ана шундай саховатли юмушларида бободеҳқонга зафар ёр бўлишини тилагинг келади.

Муҳаммад ОЧИЛ
Шомурод ШАРОПОВ
Хол Муҳаммад ҲАСАН

Қарши тумани

Н. МУҲАММАДЖОНОВ сурат-лавҳалари

Ёзувчилар пахта далаларида

ЯШАШДАН ЯШАШНИНГ ФАРҚИ

Озод Шарафиддиновнинг «Китобсиз яшаб бўлмас» мақоласини («ЎзАС» 1999 йил 24 сентябр) ўқиб

Озод ака куюниб айтганча бор. Кўпчилик китоб ўқишдан чиқиб кетган. Бу кейинги пайтда рўй берган ҳолат эмас. 80-йиллардан бошлаб турмуш тарзимиздан китобнинг сурилиб чиқиши яққол кўринган эди. Бу жараён тинимсиз давом этди. Тўқсонинчи йили раҳбар ва фаолларнинг китобхонлик даражасини аниқлаш ва уларнинг ўқимишлилигини оширишга кўмаклашиш мақсадида Хоразмда бир тажриба ўтказилди. Ўзимизнинг, шунингдек, рус, жаҳон ёзувчиларининг сара асарларидан ўттизтаси рўйхат қилиниб, турли даражадаги раҳбарлар ва фаолларга тарқатилди. Рўйхатга вилоят партия қўмитаси котиби (камина) имзо чеккан мухтасар хат-мурожаатнома илова қилинди. Хатда, жумладан, бундай дейилган эди: «Ҳурматли...! Сўнгги йилларда чоп этилган қуйидаги сара асарлардан истаганингизни ўқиб чиқарсиз, деган умидда уларнинг руйхатини Сизга жўнатдик. Бу асарлар китоб дўконларида бор. Бундан ташқари, вилоят кутубхонасида ҳаммаси кўп нусхада жам этилди. Мутолаа учун уч ой етарли, деб ўйлаймиз. Шу муддат ўтгач, йиғилишиб, ўқилган асарлар юзасидан фикрлашиб олармиз, деган умиддамиз. Учрашувнинг аниқ куни Сизга маълум қилинади».

Орадан роппа-роса уч ой ўтгач, учрашувнинг куни (вақти-соати), жойи бир ҳафта олдин ҳаммага айтилди.

Учрашув яқинлашгач, телефонлар уст-устига жиринглай бошлади. Кимнидир вазир чақириб қолган, ким коллегия йиғилишига бориши керак, ким фалон жойга, ким писмадон жойга бормаса ҳаёт тўхтаб қоладиган...

Нима ҳам дейсиз, майли, қолганлар билан суҳбатлашаверамиз, дедик. Бир кун қолганида, уларнинг ҳам ярми, йиғилиш куни эса ярмидан озроғи бетоб бўлиб қолишганини котибалари ва ходимлари орқали маълум қилишди. Шунда ҳам йиғилишни қолдирганимиз йўқ. Икки киши — вилоят алоқа бошқармасининг ва электр тармоқлари бошқармасининг бошлиқлари кириб келишди. Улар рўйхатдаги китобларнинг деярлик барчасини, ундан ташқари ҳам анча асарларни ўқиб, бойиб келишган экан, ўз фикр-мулоҳазаларини рўй-рост айтишди. Шунга ҳам (икки бошлиқнинг китобхонлигига) қувонганмиз.

Хўш, бугунги кунда одамларнинг китобга рағбатини ошириш учун нима қилиш керак?

Бунда иккита муаммони — яхши китоб яратилишию уни ёйиш масаласини уйғун равишда кўриб чиқишга тўғри келади. Негаки, бу икки масала бир-бири билан узвий боғлангандир. Шу борада баъзи таклиф ва мулоҳазаларимиз билан ўртоқлашишга журъат этдик.

Яхши асарни ҳайбаракаллачилик йўли билан яратиб бўлмаслиги аён. Асарни ёзувчи ёлғиз, оқ қоғоз билан юзма-юз ўлтириб ёзади. У фақат маънавий, моддий кўмакка муҳтож бўлиши мумкин. Маънавият ишлари билан шуғулланувчи мутасаддилар ёзувчиларга яқинроқ бўлсалар, индивидуал муносабат ўрнатишга кўпроқ эътибор берсалар», айни муддао бўларди. Масаланинг моддий томонини нуқул ҳомийларга ҳавола этиш ҳам яхши натижа бермайди. Аравасига тушганнинг ноғорасига ўйнаш ҳақидаги ҳикматни ёддан чиқармаслик керак.

Яхши асар саёз китобнинг йўлини тўсади. Бўш китобларнинг кўплаб чоп этилишини тўхтатишнинг яна бир йўли уларни ошкора таҳлил этиб, авра-астарини очиб-кўрсатиб беришдир. Бу иш билан адабиётшунослар, танқидчилар фаолроқ шуғулланса яхши бўларди.

Бизнингча, эндиликда китоб савдоси билан нашриётларнинг ўзлари шуғулланганлари тузук. Жаҳон тажрибасида шундай — китобни ноширлар чиқарадилар ва ўзлари сотадилар. Фойда-зарари ўзларига.

Тўғри, халқимиз ёймачилар деб айтайдиганлар орасида китоб сотувчилар ҳам пайдо бўла бошлади. Буни тўғри, самарали йўлга қўйиш, кенгайтириш даркор. Асримиз бошида Тошкентнинг эски шаҳар қисмида 35та китоб дўкони бўлиб, ҳар йили улардан 300 минг сўм (ўша вақтда бу озмунча маблағ эмас эди) даромад олинган. Янги шаҳар қисмидаги китоб дўконлари 100 минг сўм миқдорида даромад олган.

Эсингизда бўлса, бир йиллари қимматбаҳо пианино ва салобатли китоб жавонларини хонадон залига ўрнатиш урф бўлган эди. Бу пианинони биров чаладими-йўқми, китобни биров ўқийдими-ўқимайдими, барибир, шу нарсалар уйда бўлиши одатга айланган эди. Ўн-йигирма томли асарларга обуна бўлиш, муқоваси ялтироқ китобларни қаердан бўлса ҳам топдириб, жавонга жойлаб қўйиш, меҳмонларга уларни кўз-кўз қилиш истаги яхшигина уй кутубхоналарининг пайдо бўлишига олиб келди. Бу жавонларни китоб қафаслари деса бўларди. Энди ана шу қафасларни очиб — хонадон кутубхоналаридан фойдаланиш йўлларини излаш керак. Ахир, бу «ўлик» китоблар тирилса, хонадон эгаларига пул ҳам, обрў-эътибор ҳам келтириши мумкин-ку.

Кўпгина идора раҳбарлари кабинетидаги китоб жавонлари ҳақида ҳам шундай деса бўлади, уларда ҳам яхши китоблар кўп. Уларнинг чангларини артиб туришдан фаррошларни халос қилиш, жилла бўлмаса, идора ходимларига тарқатиш фойдадан бошқа нарса келтирмайди.

Китобсеварлар жамиятини қайта тузиш, балки жамғарма шаклида қайта қурган маъқул. Китобсеварлар деб эмас (русчадан айнан таржима), балки китобхонлар жамғармаси деб аташ, унга кенг ваколатлар бериш, муайян муддатга давлат томонидан уни рағбатлантириш зарурга ўхшайди. Жамғарма бирор идоранинг бўлинмаси бўлиб қолмаслиги, мустақил тузилма шаклида иш олиб борадиган бўлиши керак. Унинг ўз корхоналари, дўконлари, кутубхоналари бўлади, албатта. Маҳалла қўмиталари билан ҳамкорликда иш олиб борилса, нур устига нур. Маҳаллақўмлар битта хонани кутубхона учун ажратсалар, бундан ҳамма ютган бўларди.

Жамғарма фаолиятининг асосий йўналишларидан бири китобхонлар тажрибасини ёйиш, китобни одамнинг доимий ҳамроҳига, дўстига айлантиришдан иборат бўлади. Ахир, озчилик бўлса ҳам китобсиз яшолмайдиганлар бор-ку. Менинг Аҳмаджон ака деган бир қўшним бор. Истеъфодаги ҳарбийлардан. Ўз вақтида ҳам кўп ўқиган, ҳозир ҳам қўлидан китоб тушмайди. Ниҳоятда бой кутубхонаси бор. Сиз ёзувчи одамсиз, билимингиз кучли бўлиши керак, деб нодир китобларни менга бериб туради. Мен ўқиб қайтараман, янгисини бераверади.

Бир куни Аҳмаджон ака қишлоқдаги қариндошлариникига бориб, хуноби ошиб келди. Битта китоб айвонда, оёқ остида ётган экан-да. Китоб хор этилган хонадондан файзбарака кетади, дебди Аҳмаджон ака қариндошларига.

«Яшаш билан яшашнинг фарқи бор, — дейди у. — Қорин тўйдириб, башанг кийиниб, мен яхши яшайман, менинг ҳамма нарсам бор, дейдиган одамларга ачинаман. Энг муҳим нарса — дил нури етишмайди уларга. Дил нурисиз яшаш эса одам боласига хос эмас. Инсон — кўнгил нури билан инсон. Кўнгил кўзи билан у оламни кўради, англайди, тўғри йўл топади, адашмайди, бахт-саодатга эришади. Дил нурининг манбаларидан энг муҳими эса — китобдир».

Кўп йиллар давомида китоб тарғиботи билан шуғулланган олим Ғуломжон Пўлатов Аҳмаджон аканинг сўзларига Жомийнинг қуйидаги ҳикматини боғлади: «Дунёда китобдан ёқимлироқ дўст, ундан ортиқ гамхўр йўқ, ундан юз роҳат бору ҳеч қачон озор йўқ».

Чиндан ҳам шундай!

Эркин САМАНДАР

Теран томирлар

БИР МАКТУБ ТАРИХИ

1966 йилнинг 21 октябрида «Тошкент оқшоми» рўзномасининг бош муҳаррири, ёзувчи Саъдулла Кароматов мендан мақолаларим билан газетада қатнашиб туришимни ва тожик адибларидан машҳур шоир, улкан жамоат арбоби Мирзо Турсунзодага мактуб ёзишимни айтдилар, Муҳарририят режасида Ўрта Осиёнинг машҳур барҳаёт ижодкорлари Собит Муқонов, Берди Кербобоев, Мирзо Турсунзодалар асарларидан «Тошкент оқшоми» рўзномасида саҳифалар бериб борилиши мўлжалланган эди.

Ширинкалом шоир, ажойиб инсон Мирзо Турсунзоданинг редакция топшириғи билан ёзган хатимга, миннатдорлик билан битган жавоби етиб келди. Саъдулла Кароматов билан маслаҳатлашиб, бизга юборилган «Садои Шарқ» журналининг 10-сонида чоп этилган М. Турсунзода шеърларини ўзбек тилига таржима қилиш учун редакцияга шоирлардан Чустий, Назармат, Шоислом Шомуҳамедовни таклиф этдик. Адиб М. Турсунзода ҳаёти ва ижодий фаолияти тўғрисида камина томонидан ёзилган мақола ва шоир шеърларидан намуналар «Тошкент оқшоми»нинг 1966 йил ноябр сонида яхлит бир саҳифа ҳажмида эълон қилинди, газетадан уч-тўрт нусхани М. Турсунзодага юбордик.

Қуйида М. Турсунзода бизга йўллаган мактуб матни билан танишасиз.

Мажид ҲАСАНИЙ, доцент

«Муҳтарам ўртоқ Ҳасанов!

Мактубингизга кечроқ жавоб ёзаётганим учун сиздан кўпдан-кўп узр сўрайман.

Мен анча вақтдан буён хасталик билан беморхонада бўлдим. Ниҳоят куни кеча уйга қайтдим ва Сизнинг мактубингизга жавоб ёздим.

«Тошкент оқшоми» рўзномаси ўқувчиларни шаҳар аҳолисининг ҳаётидан, пойтахт янгиликларидан хабардор қилиб борадики, мен энг аввало, газетанинг ижодий жамоасини чин қалбимдан мубораксбод қиламан ва дўстона самимиятимни изҳор этаман.

Менинг ижодиётим билан қизиқиб, шеърларимни «Тошкент оқшоми»да босишларидан миннатдорман. «Садои Шарқ» мажалласининг охирги сонларида каминанинг янги шеърлари чоп этилган. Журналдан бир нусха Сизга юборяпман.

Асарларим Сизларга маъқул бўлса, уни ўз газеталарингизда бостиришларинг мумкин.

«Тошкент оқшоми» газетаси ходимларига янгидан-янги муваффақиятлар тилайман.

Комил эҳтиром ила: Мирзо ТУРСУНЗОДА»
Душанба 27.10.1996

ТОШКЕНТДА МОДАЛАР ФЕСТИВАЛИ

Шу йилнинг 6 ноябр куни пойтахтимизнинг «Зарафшон» ресторани концерт залида профессионал модельерларнинг «Куз. Осиё. Санъат» деб номланган фестивали ўтказилади. Бу фестивал дирекциясининг иккинчи лойиҳасидир. Биринчиси ўтган йили «Севги ва мода» номи билан ташкил этилганди.

Ушбу фестивал Ўзбекистон модасининг асосий йўналишларини намоён этади, деган умиддамиз. Унда ўзларининг ранг-баранг либослари билан нафақат республикамизда, балки ундан ташқарида ҳам машҳур бўлган моҳир модельерлардан Абдукарим Ашурбоев, Людмила Бойматова, Комила Ражабова, Дмитрий Тен, Дина Сайфи, Тарас, Ольга Кравченко, «Батик» гуруҳи иштирок этадилар. Фестивал «АРТ» Халқаро Ассоциациясининг қўллаб-қувватлаши остида ўтади.

Тадбир дастурида заргарлик буюмлари намойиши ҳам мўлжалланган.

МУЎЖИЗАКОР САНЪАТ

Анъанавий миллий қўғирчоқ театри асрлар оша авлоддан-авлодга ўтиб келаётган севимли санъат турларидан биридир. Бу санъат ҳар бир даврда ўзига хос шаклланиб, тараққий этиб келган. Хусусан, XIX асрда яшаган уста қўғирчоқбозлар Турсунбой Абдужаббор ўғли ва Муҳаммаддин Шоазим ўғли қўғирчоқларга жон бағишлашда катта жонбозлик кўрсатганлар. Улар ўз санъатлари билан томошабинни фақат кулдириб қолмасдан, ўни ҳаётий масалалар ўстида ўйлашга ҳам ундардилар.

Қўғирчоқбоз Тошпўлат Дониёров 1939 йили ташкил этилган ўзбек профессионал қўғирчоқ театрининг биринчи актёри ва устози эди. Ўша йиллари кўплаб болаларга севимли бўлиб қолган ажойиб спектакллар юзага келди. Айниқса, «Бўғирсоқ», «Уч ботир», «Қизил шапкача», «Оловиддин ва сеҳрли лампа» каби эртакларнинг саҳна юзини кўриши болаларга олам-олам завқ бағишлади.

Бу театр саҳнаси кўплаб ажойиб спектакларга гувоҳ бўлган. Жумладан, 1948 йили қўйилган Е. «Золушка» ilк бор Шварцнинг асари ҳозиргача бир неча марта қайта қўйилиб, ҳамон актёрлар учун маҳорат мактаби вазифасини ўтаб келмоқда.

Кутлаймиз!

1957 йили ўзбек қўғирчоқ театрида ilк бор катталар учун «Шайтон тегирмони» (чех ёзувчиси Ян Дрди асари) номли асар саҳнага қўйилди. Ушбу саҳнада қўйилган кўплаб асарлар турли фестивалларда ва кўрик-танловларда қатнашиб, мутахассислар ҳамда томошабинлар эътиборини қозониб келмоқда. 1958 йили ўтказилган Бутуниттифоқ болалар театри фестивалида ўзбек қўғирчоқ театри «Сеҳрли чаноқвой» ҳамда «Алдаркўса» спектакларини намойиш этиб, ilк бор иккинчи даражали дипломга сазовор бўлди. Ўша йиллари театрда Л. Хаит, А. Қобулов, Л. Бобохонов, И. Дўстхўжаев, Ю. Фридман, Л. Волкова, Н. Зайниддинова, И. Калишер, В. Иогелсен ва И. Ёқубов каби режиссёрлар фаолият кўрсатганлар. Спектакларнинг қизиқарли чиқишида бастакорлар В. Мейен, Х. Изомов, В. Гиенко, С. Жалил, ҳайкалтарош-рассомлар Е. Подгурская, А. Семикова, С. Страшнованинг хизматлари катта бўлди.

70—80-йилларда режиссёр И. Ёқубов ҳамда рассом В. Акудин ҳамкорлиги ижодий самаралар берди. Театрда жонланиш сезилиб, ҳаққоний саҳна асарлари кўпайди. Шу даврда театрнинг ғоявий-маънавий маслаги мустаҳкамланди. Шу йиллари театр репертуари А. Пушкин, Ш. Пьерро, ака-ука Гриммларнинг классик асарлари ҳамда болгар, поляк, венгер, румин, чех ёзувчиларининг замонавий асарлари ҳисобига бойиди. Шу билан бирга, ўзбек драматургларининг кўплаб асарлари саҳна юзини кўрди.

Театр ҳамма даврда ҳам ўзига хос репертуар яратишга, ижодий ўзлигини намоён этишга, мавжуд анъаналарни ривожлантирган ҳолда ишлашга интилди. «Айниқса, ўзбек мумтоз адабиётининг йирик намоёндалари асарларининг саҳналаштирилиши театр ҳаётида катта воқеа бўлди. Бунда «Фарҳод ва Ширин» (А. Навоий асари асосида), «Ойгул билан Баҳтиёр» (Х. Олимжон) каби асарларни эслаб ўтиш ўринли. Бу даврда театр фаолиятининг асосий йўналиши халқ санъати анъаналари билан замонавий театр ғоялари ва шаклларини уйғунлаштиришга қаратилган эди. Шу йиллари тажрибали санъаткорлар билан бирга ёшлар ҳам самарали ижод қилдилар. Хусусан, В. Колядин, Т. Маҳрамов, М. Бобожонов, Б. Ёдгорхўжаев каби режиссёрлар номини қайд этиб ўтиш жоиз.

90-йилларга келиб ижтимоий-маънавий ҳаётимизда юз берган туб бурилишлар, Ўзбекистоннинг мустақилликка эришиши театр фаолиятида ҳам ўзгариш ясади. Энди ижодий жамоа миллий қадриятлар ва анъаналарни тиклаш, уларни ёшлар орасида тарғиб этиш масалаларига жиддий эътибор бера бошлади. Бу ҳол қўғирчоқ театрида янги услуб, янги воситалардан фойдаланишга катта имконият туғдирди.

Театрда саҳналаштирилган И. Жумановнинг «Учар ковуш» пьесаси, В. Борисовнинг «Шўх шайтончалар» асари, Е. Сперанскийнинг «Бахт ахтарган Ҳасан» эртаги, Ҳ. Имомбердиевнинг «Оловиддиннинг сеҳрли чироғи», «Е. Селеховнинг «Алибобо ва қирқ қароқчи», Ш. Юсуповнинг «Чодир Жамол» асарлари жамоа учун ҳам, томошабинлар учун ҳам муҳим аҳамият касб этди. Юқорида номлари тилга олинган спектакларда А. Мирзағиёсов, Д. Солиев, Ш. Комилова, М. Эгамназарова, А. Отабоев, А. Ниёзов, Л. Валиева, Ш. Солиева, А. Маҳкамова, Г. Назарова, Ш. Жабборов, Ф. Хўжаев, К. Жабборова, К. Исомова, Г. Хорошовцева, Г. Прокофева, Л. Мазова, Н. Гончарова, Я. Мейдер, С. Риззазадзе каби актёрлар бетакрор образлар яратиб, мухлислар эътиборини қозондилар.

1993 йили театрга Шомурод Юсупов бош режиссёр этиб тайинланди. Бу ижодкор ўзи билан бирга кўпгина янгиликлар олиб келди. Айниқса, унинг рассом ва композиторлар билан яқин ҳамкорлиги яхши самаралар берди. У ҳар бир спектаклда актёрлар ансамблини яратишга муваффақ бўларди.

Ҳозирги кунда эса жамоага иқтидорли режиссёр Бекпўлат Пармонов раҳбарлик қилмоқда. Бинобарин, театр изланиш даврига юз тутди. Шу кунларда халқ достони «Алпомиш» асосида яратилаётган спектакл саҳна юзини кўриш арафасида турибди. Биз ўзининг 60 йиллигини муносиб қарши олаётган ижодий жамоага миллий қўғирчоқ театри анъаналарини янада ривожлантириш йўлида баракали ижод тилаб қоламиз.

Дилором МУСАЕВА,
санъатшунослик фанлари номзоди

Суратда: театр ижодкорларидан бир гуруҳи.

Маҳмуд ҲАСАНИЙ

ЖАЛОЛИДДИН ҚАСИДАСИ

(Буюк саркарда таваллудининг 800 йиллик тўйига бағишланади)

Кўп асрлар ўтса ҳамки, номлари достон бобом,
Халқининг мажруҳ дилига излаган дармон бобом,
Муддаосига етолмай, ғам чекиб, армон бобом,
Неча йиллар ўзга юртда бўлди саргардон бобом,
Юртини деб, элини деб, диллари вайрон бобом.

Олти юз ўн саккиз[1] эрдиким, шаҳарни босди ёв,
«Сайқали руйи замин»да[2] қон тўкилди беаёв,
Чингизий лашкар қутурди, остида отлар асов,
Ёнди, куйди ҳар саройу ҳар уйу чайла, ўтов,
Барига шоҳид эди, лек топмади имкон бобом.

Хоразмшоҳ кетди жангсиз мулки Хуросонга томон,
Деди, халқ қони тўкилса, яхши эрмасдир, ёмон,
Хоразмда қолди Мангуберди кетмай ул замон,
Бўлди Чингиз бирла жанглар, кору зор[3]лар беомон,
Қаҳрамонлик кўрсатиб, енгилди аммо жон бобом.

Олти юз ўн тўққизда[4] юз берди Хуросон жангги ҳам,
Мангуберди бирла Чингизга жаҳоннинг тангги ҳам
Ўлдию куйди, йиқилди лашкару сарҳангги[5] ҳам,
Қип-қизил бўлди бутунлай коинотнинг рангги ҳам,
Лашкари камлик қилиб, енгилдилар ул он бобом.

Мангуберди Ғазнадан юз бурди Ҳиндистон томон,
Синд сувин қирғоғида Чингизга дуч келди шу он,
Ўртада юз берди жангларким, тўкилди қанча қон,
Мангуберди зўр жасорат айлади бунда аён,
Элсевар лашкарларига бўлдилар сарбон бобом.

Охири дарёйи Синдга бурди Султон юзини,
Оти бирла ташлади дарё сувига ўзини,
Солмади пастми-баланд дарёга Султон кўзини,
Ёдда тутди юртини, кўнгилда эл дилсўз[6]ини,
Ҳар нафасда шай эди бўлмоқ учун қурбон бобом.

Ушбу ҳолни кўрди Чингиз, ҳайрати ошди чунон,
Отадин туғса, деди, туғсин анингдек ўғлон,
Қилди орзу, бўлса андек барча ўғлим паҳлавон,
Бундайин мардни кўриб, эшитмаган асло жаҳон,
Барчага ибрат эрурлар бағри кенг осмон бобом.

Неча йиллар ёвга қарши қилдилар жангу жадал,
Гоҳи енгди, гоҳи енгилди жаҳонда ҳар маҳал,
Гоҳида кўрди вафони, гоҳ вафосизликдин амал,
Олти юз ўттиз, даги иккида[7] келди шум ажал,
Ўзга юртда жон бериб, бўлдилар қурбон бобом.

Ул Шиҳоб уд-Дин Насавий зўр муаррих номдор,
Мангубердидек буюк инсонга қўйди ёдгор,
«Сийрат ус-Султон» дея қилди китобини нисор,
Унда Мангуберди қилган барча ишнинг зикри бор,
Тарихий тасниф ичинда топди шуҳрат-шон бобом.

«Тарихи Жаҳонкушо»да зикри Султондир аён,
Қилдилар зикрин Жувайний бу китобида баён,
Ҳам Рашидиддин «Таворих»ида васфи бир жаҳон,
Барча тарихчи бу Султонга мадҳ айтди равон,
Севгидан ҳосил кўтарди катта бир хирмон бобом.

«Равзат ус-сафо» ичинда зикри бордир бешумор[8],
Соҳиби Мирхонд эди ушбу асарга бахтиёр,
Хондамир ёзган «Хулоса» ичра қанча зикри бор,
Барча тарихларда Султон мақтови бордир қатор,
Жумла эл наздида мардлар ичра ул мардон бобом.

Элу юртин ўйлабон ул шунчалар чекди азоб,
Эй Муҳиббий, ибрат ўлсин сенга бул олижаноб,
Ким, асрлар қаридин нурлар сочур ул офтоб,
Элу юрт севгисини жон ичра қилмиш иктисоб,
Чун деди, «ҳубб ул-ватан» асли «мин ал-иймон»[9] бобом.

1. 618 ҳижрий -- 1221 мелодий йили.
2. Самарқанд назарда тутилмоқда.
3. Кору-зор --қирғин барот.
4. 619 ҳ. -- 1222 м. йили.
5. Сарҳанг -- лашкарбоши.
6. Дилсўз -- дили куйган.
7. 632 ҳ. -- 1234 м. йили.
8. Бешумор -- кўп, ҳисобсиз.
9. Ҳубб ул-ватан мин ал-иймон -- ҳадис: «Ватанни севмоқ иймондандир».

Ватанпарвар, юрт озодлиги, халқ бахти учун оташин курашчи, мард, фидойи инсон Жалолиддин Мангубердининг 800 йиллик тўйининг ўтказилиши тарихимизнинг ниҳоятда кам ўрганилган қисмини ўрганишга, аждодларимизнинг қаҳрамонона тақдирини тадқиқ этишга имкон яратди. Биз эндиликда Жалолиддин Мангуберди ҳақида ўрта аср тарихчилари, адиблари кўплаб асарлар ёзганлигидан, унинг ҳаёти, фаолияти, мўғул босқинчиларига қарши кураши кенг ёритилганидан хабардор бўлдик. Ўрта аср тарихчилари яратган асарлар орасида Шиҳобиддин Муҳаммад ан-Насавийнинг «Султон Жалолиддин Мангуберди ҳаёти тафсилоти» асари алоҳида ажралиб туради. Бу асарда Жалолиддин Мангуберди ҳаёти батафсил ва ҳаққоний ёритилган, тарихий ҳақиқат ёрқин очиб берилган. Чунки Насавий Жалолиддин Мангубердининг муншийси, котиби бўлган. У ҳақдаги барча маълумотлардан, унинг ишларидан тўла хабардор бўлган.

Насавийнинг ушбу асари ўзбек тилига таржима қилинди. Яқин кунларда у китоб ҳолида нашрдан чиқади. Шу кунларда мамлакатимизда ўтаётган Жалолиддин Мангубердининг 800 йиллик тўйи муносабати билан ушбу асардан бир парчани эътиборингизга ҳавола қиламиз.

Шиҳобиддин Муҳаммад ан-Насавий

СУЛТОН ЖАЛОЛИДДИН МАНГУБЕРДИ ҲАЁТИ

(асардан парча)

Ҳилот қамали чўзилгач қимматчилик кучайди, шаҳар аҳолиси нобуд бўла бошлади. Ажал сояси одамларни бир-биридан узоқлаштириб юборди. Очлар иложсизликдан мушук ва итларни ея бошладилар, динор ҳамда дирҳамларнинг қадри қолмади. Шу сабабли Ҳилотни ким босиб олса, унинг устига юк бўлиб тушиши, уни ким эгалласа, бахтсизлик шаробидан тотиб кўриши аниқ эди. Шу учун Исмоил Иваий Озарбойжондан иқто сўраётганини, агар бу иқто берилса, шаҳарни топшириш нияти борлигини хабар қилдилар. Султон унга Салмосни ва Озарбойжоннинг турли жойларидан яна бошқа мулкларни иқто қилиб бериш ҳақида қасам ичди, буни ўз муҳри билан тасдиқлайдиган бўлди. Элчилар шаҳарга қайтдилар ва иш амалга оширила бошланди[1].

Одамлар бошдан-оёқ қуролландилар, Исмоил тунда девордан арқонларни туширди. Бундан пиёда лашкарлар ва байроқлар тепага кўтарилди. Қолган лашкарлар эса ҳужумга тайёргарлик кўрдилар. Тонг отгач, лашкарлар манжаниқлар тешган девордаги раҳналардан ҳужумга ўтдилар. Ҳилотда Қоймур қўшинларининг қолдиқлари қолганди, улар билан шиддатли жанг бошланди[2]. Ҳилотликлар Султон қўшинларини шаҳардан қувиб чиқаришига оз қолди. Шунда улар девор устига ва мораларга ёрдам умидида назар ташладилар. Лекин бу ерни ҳам Султон лашкарлари эгаллаб олганини, Хоразмшоҳ байроқлари ҳилпираб турганини кўрди. Мораларидаги лашкарлар ҳилотликларнинг орқа томонидан ҳужум қилдилар, натижада улар чекина бошладилар. Амирларнинг ҳаммаси асир олинди, улар орасида ал-Асад ибн Абдуллоҳ ал-Қоймурий ҳам бор эди. Улар шаҳар девори устида Султон лашкарлари билан шиддатли жанглар олиб бордилар. Иззиддин Ойбек ал-Ашрафий ва ал-Малик ал-Одил Абу Бакр ибн Айюбийнинг ўғиллари — Мужириддин ва Тоқиаддин шаҳар аркига кириб ҳимояландилар[3].

Жалолиддин Ҳилотни талон-тарождан асраб қолиш ниятида эди, аммо бунга эриша олмади. Унинг ҳузурига хонлар, амирлар ташриф буюриб, бундай дейишди: «Қамалнинг ҳаддан ошиқ чўзилиши қўшинни кучсизлантирди, лашкарлар отлари ва қўл остидаги юк ташийдиган ҳайвонларидан ажралдилар. Агар сиз уларга талон-тарожга рухсат бермасангиз, кучсизлиги сабабли душманга қарши курашишдан бош тортишлари мумкин. Агар кўшинингиз ҳаракат қилса, бу кучсизлик яққол кўзга ташланиб, уларнинг тарқалиб кетишига сабаб бўлади ва оқибатда лашкарларингизнинг амрингизга бўйсуниши қийинлашади».

Улар ўзларининг таъқиқ қилинган нарсаларга нисбатан очкўзликларини ана шундай сўзлар билан ниқоблашга интилардилар. Натижада у талон-тарожга рухсат берди. Улар шаҳарни уч кун таладилар. Бу ярани тирнаб, унга туз сепиш билан тенг эди. Улар шаҳар аҳли яширган нарсаларнинг ҳаммасини — гоҳ ноҳақ йиғимлар тарзида, гоҳ куч ишлатиш йўли билан тортиб олдилар. Агар уларнинг қўлига ҳилотликлардан кимдир тушиб қолса, уни турли усуллар билан азобларди! Одамлар ўртасида Султон шаҳарни босиб олиш пайтида бу ерда ким қолган бўлса ҳаммасини ўлдиришга буйруқ берибди, деган миш-миш тарқалди. Бу ёлғон эди, аммо кўп одамлар ноҳақ берилган жазо туфайли ўлим топди, бошқалари эса очлик туфайли ҳалок бўлдилар.

Мужириддин ва Тоқиаддин аркдан тушдилар. Иззиддин Ойбек учун омонлик сўрадилар. Султон унинг ҳам гуноҳидан ўтди. У ҳам кейинги кун аркдан чиқиб келди. Бироқ Султон унга қўлини ўпишга рухсат бермади. Шу тариқа уни хўрлади ва ўзининг унга нафратини билдирди. Иззиддиннинг бир неча марта илтимосларига мувофиқ Жалолиддин унга оёғини ўпишга рухсат этди.

Иззиддин Ойбекнинг тарафдорларидан бири Султонга Мужириддин ва Тоқиаддин ҳам унинг (Ойбекнинг) қўли остида, хизматида бўлганлигини, аммо шунга қарамай улар Султон қўлини ўпишга муяссар бўлганини айтди. Шунда Султон унга бундай деди: «Ҳақиқатан, мамлакат ҳукмдорининг Иззиддинга нисбатан эҳтироми юксаклиги туфайли ўз укалари устидан ҳукмронликни ҳам унга бериб қўйибди. Мен эса уни ҳурмат қилмайман. Шу учун уларга нисбатан муносабатда азалдан мавжуд бўлган тартиботларга риоя қиламиз, яъни ҳар кимга мавқеига қараб марҳамат кўрсатамиз. Бошқаларнинг кимни ҳурмат қилиши эса уларнинг ўзларига ҳавола»[4].

Уларни ҳар куни Султон ҳузурига олиб келишарди, Мужириддин ва Тоқиаддин ўтирар, Иззиддин эса тик турар эди.

Кейин ал-Малик ал-Ашраф Мусонинг асир тушган амир жондори (шахсий соқчиларининг бошлиғи) Аъламиддин Санжар ёнидаги қўриқчилардан бири орқали Султонга шундай хабар етказди: «Эшитишимча, Султон қўшинларини Ҳилот атрофларига, бу ердаги қалъаларни қамал қилиш учун юбораётган экан. Уларнинг аксарияти Беркри, Маназжирд, Бидлис, Ван, Валашжир, Остон ва бошқа жойларга жўнаб кетибди... Бунинг учун ҳеч қандай зарурат йўқ эди. Бу билан султон ортиқча чиқимдор бўлади, ташвиш кўпаяди, вақтини сарфлайди. Чунки Иззиддин Ойбек билан Ҳилот атрофидаги қамал қилинган жойларнинг волийлари ўртасида махфий белги бор. Агар Иззиддин бу белгини Султонга маълум қилса, Хоразмшоҳ ушбу жойларни ҳеч бир қийинчиликсиз ва азият чекмасдан эгаллаган бўларди. Иззиддин улар билан ҳамон номалар битишиб туради, уларни ҳимояда мардлик ва қатъиятлиликка даъват этади. У волийлар кўз ўнгида Султонни кучсиз деб таърифлайди ва уларни аш-Шомдан қўшинлар ҳимоя учун ёрдамга келади, деб ишонтиради».

Султон унинг хабаридан огоҳ булгач, Иззиддин Ойбекдан бу махфий белгиларни талаб қилди. Лекин Иззиддин қандайдир махфий белгилар борлигини рад этди. Султон бунга ишонмади ва уни волийларга жойларни лашкарларига сўзсиз топшириш ҳақида нома ёзишга мажбур қилди. Ойбек уларга таслим бўлиш тўғрисида буйруқ юборди, бироқ улар таслим бўлишдан бош тортдилар.

Султоннинг бу жойларни номалар юбориш билан қўлга киритиш умиди йўққа чиқди. Шундан сўнг у уни (Ойбекни) тутгириб, кишанбанд қилдирди ва Дизмар қалъасига жўнатирди. У бу ерда зиндонда Султон лашкарлари арзиш чиқиб ер юзини ёритди, аммо мен учун маскан, барибир, зим-зиё тун бағри бўлиб қолаверди»[7]. Менинг Арзонда жияним бор. У ақли ноқис, енгил табиат, бемулоҳаза йигит. Агар у Султоннинг менга эътибор бермаётганини эшитса, уйимни арзимас пулга бўлса ҳам сотиб юборади, деб ўйлайман. Мабодо, Султон менинг мол-мулкларимни ўзиники қилиб олишни ўйлаётган бўлса, унинг учун бошқа нарсаларга нисбатан мана шу уй кўпроқ арзийди. Шу учун Султон бу уйни душманлардан бирортаси ўзиники қилиб олмасдан аввал, ишлар чалкашмасдан бурун ўз одамини юбориб, унга эгалик қилишни топширса, маъқул бўларди. Агар Султоннинг бундай нияти бўлмаса, менинг кўнглимни хотиржам қилиш учун шундай бир ёрлиқ чиқарсинки, унда Хоразмшоҳнинг қадами бу ерларга етиб боргач, Арзон ва унинг атрофидаги ерларга бир ҳукмдор тайин қилсин. Бу ҳукмдор эса қўл остидаги ерларни Султон мулкларига қўшиш мажбуриятини зиммасига олсин».

Мен ундан эшитган бу гапларимни Султонга айтиб берганимдан, бу сўзларнинг маз-мунидан уни огоҳ қилганимдан сўнг у бу ишларни қилишга рози бўлди. Султон уни соқчидан холос қилдирди. У ҳар куни Султон ҳузурига келадиган ва унинг умумий қабул маросимида қатнашадиган бўлди. Қабул маросими пайтида унинг бир томонида Мужириддин, иккинчи томонида Тоқиаддин тик турарди. Шундан кейин Султон уни бошдан-оёқ кийим-бош билан тақдирлади ва Арзонга қайтариб юборди. Унинг қўлига Арзонга ҳукмдорлик қилувчи ёрлиқ (маншур) берилди. Номини эслатганларимиз Мужириддин ва Тоқиаддиннинг кейинги тақдири ҳақида мавриди билан баён қиламиз.

Султон Ҳилотни эгаллаганидан кейин қўл остидаги барча шаҳарларга фатҳнома юбориш тўғрисида фармойиш берди[8]. Мен фатҳномада Жалолиддин муҳрини (туғросини) унинг отаси — Улуғ султон туғроси каби битиш ҳақида кўрсатма олдим. Унинг отасининг туғроси қуйидагича шаклда битиларди: «Энг улуғ султон, Такишнинг ўғли, Оллоҳнинг ердаги сояси, амир ал-Муъминин қудратининг яққол намунаси султон Абул Фатҳ Муҳаммад».

Аммо Султон ўзига нисбат берилган бу туғрони рад қилди, бу хусусда норозилик билдириб бундай деди: «Мен ҳам қўшинларим сонининг кўплиги ва хазинамдаги бойлигимнинг мўллиги жиҳатдан Улуғ султоннинг катта мамлукларидан бири даражасига етганимда, умуман, катта мавқега эришганимда ёрлиқларга битиладиган муҳримни унинг туғролари сингари ёзишга рухсат этаман. Ҳозирча эса йўқ!» Менинг уятдан тилим танглайимга ёпишиб қолди. Унинг айтган гаплари ҳақ эди. Чунки у отасига насиб этган олий даражанинг ўндан бирига ҳам эриша олмаган эди. Улуғ султон эришган шон-шуҳрат чўққисининг чанг-тўзонидан ҳам юқорироқ кўтарилмаганди.

1. Ҳилот шаҳри бир ярим йиллик қамалдан кейин 1230 йилнинг 14 апрелида босиб олинади.
2. Қоймур — Ҳилот ва Мусул орасидаги қалъалардан бири.
3. Ал-Малик ал-Амжад Тоқиаддин Абул Фадоил ибн ал-Одил 1271 йилда вафот этади.
4. Султон бу ўринда Иззиддин Ойбекка хизмат мансабидаги одам сифатида қарайди. Унга бу мансабни ал-Малик ал-Ашраф берган. Мужириддин ва Тоқиаддин эса Ойбек қўл остидаги одамлар бўлса ҳам, насли айюбийларга бориб тақалади. Шу учун уларни Ойбекка нисбатан мавқеини улуғроқ деб баҳолайди. Унинг уларга «мавқеига қараб ҳурмат кўрсатиши» сабаби ҳам шундан.
5. Ҳусомиддин ал-Қоймурий ал-Ҳасаний ибн Абул Фаворис 1259 йилда вафот этган. Кейинчалик айюбийлар вакили сифатида Холмбда ҳукмдорлик қилган.
6. Арзон ҳукмдори Ҳусомиддин Тўғрул ал-Малик ал-Ашрафнинг иттифоқдоши эди. У Арзонда ҳукмронлик қилган Тўғон Арслон авлодларидан.
7. Бу ўринда номаълум шоирнинг шеъридан икки мисрасининг мазмуни келтирилмоқда. Айни пайтда Ҳусомиддиннинг Жалолиддинга ялтоқланиши ҳам бор. Яъни, сен машриқдан қуёш янглиг келдинг, ҳамма ёққа нур таратдинг, аммо мен сенинг кўлингда банди бўлиб, зим-зиё тун бағрида қолавердим.
8. Ҳилотнинг қамал қилиниши ва босиб олиниши Жалолиддин ҳаёти ҳамда фаолиятида сўнгги муваффақият бўлиб қолди. Шундан кейин айюбийлар томонидан ташкил этилган иттифоқдошлар қўшини Жалолиддин қўшинига зарба беради, натижада Султон қўшини бошқа ўнглана олмайди.

Жувайний асарида Жалолиддиннинг Ҳилотни босиб олиши муносабати билан ёзилган фатҳнома матни келтирилади. Бу фатҳномада Ҳилот қамали ва унинг босиб олиниши вақти 8 ой деб берилади. Яъни, 1229 йил августидан 1230 йил апрелига қадар давом этганлиги айтилади. Баъзи манбаларда бу ярим йил деб кўрсатилади. Бу ўринда тўғрироғи фатҳномада кўрсатилган вақт деб ҳисоблаш мумкин.

Айни пайтда, шаҳар мудофааси учун Диёр Бакр, Евфрат, Миср, Сурия, Туркман қабилалари ва яна бир қанча машриқ давлатларидан лашкарлар ёрдамга келганлар. Ҳилот жангида кўплаб лашкарбошилар, амирлар, маликлар, хонлар асир олинган.

Шу билан бирга Ҳилотда ал-Малик ал-Ашрафнинг хотини, Иване Мхаргрдзелининг қизи Тамтаъ ҳам асир олинган. У бир қанча фурсат Хоразмшоҳ Жалолиддинга ҳам хотин бўлган. Жалолиддин мўғуллар томонидан енгилганидан сўнг Тамтаъ улар қўлига асир тушган. Узоқ йиллар давомида у Мўғулистонда асирликда бўлган. Малика Русуданнинг илтимосига мувофиқ у юртига қайтарилган. Мангухон қоонининг буйруғига мувофиқ Ҳилот атрофидаги мулклар, ерлар унга қайтариб берилган. Бу ҳақда Киракос Гандзакеци битикларида ҳам маълумотлар берилган.

Камол МУҲАММАД ЁҚУБ таржимаси

ҲАР ГУЛНИНГ ЎЗ АТРИ БОР

Боши 1-бетда.

ўғли, Бердиёр Пиримқул ўғли, Бекмурод Жўрабой ўғли, Саидмурод Паноҳ ўғли ёхуд Ҳушбоқ Мардонақул ўғлидан ёзиб олинган вариантлардан фарқли жиҳатлари ҳақида кўплаб фикрлар айтиш мумкин. Бунинг учун бир мақола мавзуи торлик қилиши табиий. Шунга қарамай, халқ достонларининг муҳтарам мухлислари мазкур вариантнинг ўзига хослигини англаб олишлари учун айрим нуқталар устида тўхталиб ўтишни лозим топдик.

Биринчи йирик фарқ шундан иборатки, достоннинг Фозил шоир вариантида Алпомиш ва Барчин аждодларининг қисқача шажараси — Добонбий, Олпинбий, Бойбўри ва Бойсари каби уруғ раҳнамоларининг исмларини қайд этиш орқали маълум қилинган. Пўлкан ва Эргаш шоир вариантида эса Бойбўри ва Бойсарининг аждодлари қайд этилмайди, аммо умуман қирқ минг уйли Қўнғирот уруғларида беклик қилиб ўтган, лекин Бойбўри ва Бойсарига мутлақо алоқадор бўлмаган Қулқорабек, Жўлқорабек ҳамда унинг ўғли Бойназарбек кабиларнинг исмлари тилга олинади, холос. Бу билан ижодкорлар Бойбўри ва Бойсарининг ўтмишда эл бошқариб ўтган беклар қатори назаркарда инсонлар эканликларига алоҳида урғу берадилар.

Иккинчи йирик фарқ шунда кўзга ташланадики, Фозил шоир вариантида Бойбўри ва Бойсари ўртасидаги низо закот бериш билан боғлиқ ҳолда бадиий талқин этилган бўлса, мазкур вариантда бу низо ака-ука ўртасида шерикчилик қилиб экилган қовунларнинг Барчин томонидан узиб ташланиши билан талқин этилган. Шу ўринда бир нарсани алоҳида таъкидлаб ўтишни лозим топамиз. Агар Пўлкан шоир ва Эргаш шоир вариантига соф ҳаётий мантиқ нуқтаи назаридан қаралса, Бойбўри ва Бойсарининг шерикчилик қилиб қовун экишлари ўзини оқлай олмагандек туюлади. Дарҳақиқат, уруғ бекининг ва уруғнинг энг йирик бойининг қовун экиши ҳақиқатдан йироқ. Бунинг устига кўчманчи чорвадор кишиларнинг деҳқончилик билан шуғулланиши ҳам у қадар ёпишмайди, чунки достонда асосий урғу ака-укаларнинг қўй, қорамол, йилқи ва туяларига қаратилган. Бироқ халқ эпосига хос бир қонуният бор. У ҳам бўлса, воқеаларнинг туб ҳаётий асосларини изчил мантиқий далиллаш эмас, балки эпик баён учун хизмат қилувчи етакчи сюжет халқаларининг сабаб-оқибат муносабатида боғланишини асослашдан иборат. Шу сабабли мазкур вариантда Бойсарининг аразлаб қалмоқлар юртига кўчиши умуман кўчманчи чорвадор аҳоли учун характерли бўлмаган қовун экиш ва уни пишмаси узишдан норозилик воқеаси билан боғлиқ ҳолда талқин этилган. Маълум бўладики, халқ эпосига хос далиллаш ўзига хос эпик талаблар, яъни анъанавий сюжет воқеалари ҳаракатини ўзга ижодкорлар қўлламаган сабабиятлар асосида далиллаш орқали давом эттиришдан иборат. Аниқроқ қилиб айтганда, халқ эпоси учун ҳар бир воқеанинг ҳаётий-мантиқий асоси эмас, балки концептуал давомийлиги ва йўналиши муҳимдир.

Пўлкан ва Эргаш шоир вариантидаги фарқлардан яна бири шундаки, Фозил шоир вариантида Барчинга тўқсон алп ошиқ бўлган бўлса, мазкур вариантда Барчинга қалмоқ шоҳи Тойчихон ва Тўқсон тўри исмли полвон ошиқ бўлади. Фозил шоир вариантида Барчин тўқсон алп ва Ҳакимбек олдига тўртта шарт қўйган бўлса, Пўлкан вариантида бу шартлар учтадан, яъни пойга, кураш ва ёй тортишдан иборат. Фозил шоир вариантида Алпомиш амакиси ва қайнотаси Бойсарини Тойчихон зулмидан озод қилиб, ўз юрти Бойсунга қайтаришни Кайқубодга топширади. Пўлкан ва Эргаш шоир вариантида эса Бойсари Тойчихоннинг ҳукми билан қалмоқ юртида қатл этилади.

Мазкур вариантдаги энг муҳим фарқлардан бири шундаки, достоннинг Фозил шоир вариантида Алпомиш Товка ойимни Кайқубодга никоҳ қилиб берса, бунда Алпомиш Товка ойимга уйланиб, ўзи билан Бойсунга олиб кетади.

Умуман олган, мазкур вариантнинг бошқа вариантлардан фарқли жиҳатлари жуда кўп. Улар достон воқеаларининг ривожи, эпик макон ва персонажларнинг номланиши, адо этган вазифаларида ҳам мавжуд бўлиб, биз улардан айримлари ҳақида қисқача тўхталиб ўтдик, холос. Муҳими шундаки, Пўлкан шоир ҳам, Эргаш шоир ҳам асосан романик достонларнинг моҳир ижрочилари эдилар. Шу боис улар қаҳрамонлик эпоси «Алпомиш» ижросида, сюжет воқеаларининг бадиий талқинида романик достонларга хос руҳни сақлаб қолганлар. Бу нарса эпик далиллаш, тасвир, асар тили, қаҳрамонлар нутқи, барқарор эпик формулалар ва параллелизмлар қўллашда кўзга ёрқин ташланади.

«Алпомиш» эпосининг яратилганлигига минг йил тўлиши муносабати билан достоннинг Қўнғирот миллий версиясига мансуб Фозил шоир, Пўлкан ва Эргаш шоирлар варианти, Бекмурод Жўрабой ўғли, Саидмурод Паноҳ ўғли, Бердиёр Пиримқул ўғлидан ёзиб олинган беш вариантнинг нашр этилиши халқимиз маданияти тарихида улкан тарихий ҳодиса бўлиши баробарида мазкур эпоснинг жиддий қиёсий ўрганилишига, асримизнинг 60-йилларида бошланган ва муайян нуқталарда тўхтаб қолган илмий хулоса ҳамда фаразларни аниқ ечимларга олиб боришига умид туғдиради.

Биз халқ достонларининг мухлислари номидан «Алпомиш» достонининг Пўлкан шоир ва Эргаш шоир вариантини нашрга тайёрлаган профессор Тўра Мирзаев ҳамда Зубайда Ҳусаиноваларга миннатдорчилигимизни изҳор этишни ўз бурчимиз деб биламиз. Истаймизки, ҳар бир шахсга миллий истиқлол берган имконият келгусида ҳам мана шундай самарали бўлсин.

Баҳодир САРИМСОҚОВ, филология фанлари доктори, профессор

СОҲИБЖАМОЛЛАР ТАНЛОВИ

Боши 1-бетда.

айтиб ўтиш керак. Санъат ғунчаларининг мусиқий қутловлари эса чиндан ҳам соҳибжамоллар танлови дастурларини ҳар жиҳатдан бойитди дейиш мумкин.

Энди бевосита танловда иштирок этган қизлар ҳақида шуни мамнуният билан айтиш зарурки, бу танловда улар айрим Европа ва жаҳон гўзаллар конкурсларида бўлгани сингари ўзларининг қадди-қоматларини чўмилиш кийимлари ёки бутунлай кийимсиз ҳолда кўз-кўз этмадилар. Миллий кийимларимиз, тўй қўйлаклари, ярашиқли тунги кўйлаклар ва бошқа ҳусночар либослар ҳаё ва иффат, латиф табассуми юзларида барқ урган гўзал қизларнинг бир ҳуснини ўн карра ошириб, уларнинг қадди-қоматлари, юз ва кўз жозибаси, ички дунёси, қалб гўзалликларини бетакрор тарзда намоён этди. Бу ҳақда мазкур Гўзаллар танлови директори ва ташкилий қўмитаси аъзоси, «Осиё услуби» модалар агентлиги раҳбари Зулфия Хайбулина шундай дейди:

— Гўзаллик тушунчасини биз қизларнинг ташқи ва ички гўзалликлари, қалб дунёси билан уйғун бир тарзда тасаввур этамиз. Қолаверса, эндиликда «Жаҳон гўзали», «Коинот гўзали» каби номдор танловларда ҳам қизларнинг ўз қадди-қоматларини чўмилиш кийимлари орқали намойиш этиш анъанаси иккинчи планга ўтиб бормоқда. Шу маънода бизнинг «Ўзбекистон гўзали-99» гўзаллик танловимиз ҳар жиҳатдан жаҳон андозаларига мос ва асло улардан қолишмайди.

Ниҳоят танловнинг ҳаяжонли дақиқалари етиб келди. Соҳибжамоллар танлови дастурларини ажойиб бир тарзда олиб боришган таниқли киноактриса Раъно Зокирова ҳамда киноактёр Рустам Саъдуллаев мўътабар ҳайъат аъзоларини саҳнага таклиф этишади. Улар орасида таниқли кинорежиссёр Шуҳрат Аббосов, хушовоз эстрада хонандаси Фарруҳ Зокиров, Ўзбекистон халқ рассоми Баҳодир Жалолов ва бошқалар бор. Кези келганда шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, латофат ва соҳибжамоллик тимсоли бўлган аёллар гўзаллигини ўзларининг ажойиб шеърларида куйлаб, бетакрор муҳаббат тароналари яратган ва умумхалқ эътирофига сазовор бўлган машҳур шоирлар ҳам, гўзаллар танловининг асл моҳиятидан келиб чиққан ҳолда, ҳайъат аъзолари сафидан ўрин олишганида ҳар жиҳатдан нур устига нур бўларди.

Гўзаллик шоҳсупасига йигирма бир ёшли тошкентлик талаба Камола Ғуломова таклиф этилганда Амир Темур кошонаси олқишлардан ларзага келди. У биринчи марта ўтказилаётган 1999 йилги гўзаллар танловининг ғолиби — Ўзбекистон гўзали деб эълон қилинди. Унга таниқли заргар уста Муҳсин Дадамуҳамедов томонидан тайёрланган гўзаллик тожи кийдирилади, анвойи гуллар ва турли ҳомий ташкилотларнинг махсус совғасаломлари тақдим этилади. Бундай совға-саломлар танловда иккинчи ва учинчи ўринлар насиб этган биринчи ва иккинчи вице-мисслар — ўн тўққиз ёшли қибрайлик талаба Ризвонгул Абдурасулова ҳамда самарқандлик Маҳфуза Умурзоқоваларга ҳам тақдим этилди.

«Ўзбекистон гўзали-99»

Бундан ташқари, гўзаллар танловида ўн нафар соҳибжамол қиз танлов ташкилотчиларининг махсус совринларига ҳам муваффақ бўлдилар. Жумладан, йигирма бир ёшли самарқандлик талаба Назира Гилманова «Дўстлик гўзали», йигирма тўрт ёшли янгийўллик иқтисодчи-ҳисобчи Елена Цой «Жозибали гўзал», ўн саккиз ёшли тошкентлик талаба Нигина Шамсиева «Сарвқомат гўзал», ўн тўққиз ёшли нукуслик талаба Рауия Исаева «Артистлик гўзали», ўн тўққиз ёшли бухоролик талаба Дарья Прусова «Матбуот гўзали», йигирма уч ёшли фарғоналик хизматчи Дилором Қўзиева «Мисс фото», ўн саккиз ёшли ангренлик талаба Гулнора Ҳайдарова «Омад гўзали» ҳамда йигирма уч ёшли бухоролик талаба Сарвиноз Холбоева «Томошабинлар меҳри» совринларини олишиб, қимматбаҳо совға-саломлар билан тақдирландилар.

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси вакиллари эса «Ўзбекистон гўзали» ва ҳар иккала вице-гўзалларни жаҳоннинг исталган халқаро гўзаллик танловларига ўз самолётларида олиб бориб-келишни зиммага олганини маълум қилишди. Тошкент маданий жамоатчилигининг намояндалари, журналистлар, кино ва радио-телевидение вакиллари Ўзбекистон гўзалларини олқишладилар.

Ўзбекистоннинг соҳибжамол қизлари танлови халқимизнинг миллий туйғулари, ҳаё ва иффатни ўзлари учун олий унвон деб билган минг-минглаб қизлар учун чинакам унутилмас воқеа бўлди.

М. ЭШМУРОДОВ

«ЧИМИЛДИҚ»

Янги филм

Кинорежиссёр Мелс Абзалов «Чимилдиқ» филмини суратга олиш ишларини якунлади. «Ўзбекфилм» киностудиясига борарканман, йўл-йўлакай Мелс аканинг машҳур саҳна ва адабий асарларни экранлаштиришда тажрибалари катталиги хусусида ўйланиб, бу сафар ижодкор қандай бадиий воситалару янги услублардан фойдаланди экан, деган фикр хаёлимдан кетмади.

У кишини «Чимилдиқ» ижодий гуруҳи хонасида учратдим. Моҳир монтажчи Ўлмасхон Темирова, ижодий гуруҳ аъзоларидан тасвирчи Ҳотам Файзиев, бастакор Мирхалил Маҳмудов, пьеса муаллифи Эркин Хушвақтов ҳам шу ерда эканлар. Кўп ўтмай, актёрлар ҳам етиб келишди. Момо роли ижрочиси — Ўзбекистон халқ артисти Дилбар Икромова, Раъно Ярашева, ёш ижрочилардан Раъно Шодиева, Назира Абзаловалар филмнинг монтаж қилинган лавҳаларини кўриш иштиёқида кўрик залига киришди...

Аёл, унинг қалби, дарди, қувонч ва ташвишлари, буюк салоҳияти, бўкилмас иродаси режиссёр Мелс Абзалов филмларининг асосий ғояси-ни ташкил этади. «Суюнчи» филмини олайлик. Аёлнинг бағрикенглиги адолат, меҳр-муҳаббат, оила тинчлигини сақлайди. Ёки «Армон» киноасаридаги аёллар образини таҳлил этсак, уч қаҳрамон ҳаёти — уч хил тақдир, уч буюк муҳаббат, уч хил характерни кўрамиз. «Келинлар қўзғолони» эса комедия жанрининг ёркин намунаси сифатида ўзбек миллий киноси тарихидан ўрин олди.

Ижодкор «Чимилдиқ» асарига қўл урар экан, жуда катта масъулиятни бўйнига олди. Эркин Хушвақтовнинг пьесаси киносценарийда янада сайқал топди, бир саҳна доирасидаги воқеликлар кўлами кенгайтирилди, персонажлар кўпайди, диалоглар, куй ва қўшиқлар ила бойитилди. Режиссёр ҳар бир филмига янги актёрларни, ижодий имкониятлари ҳали тўлиқ очилмаган ижрочиларни таклиф этади.

Қайсар келин ва оғир-вазмин куёв образларини Раъно Шодиева ҳамда Саид Мухторовлар талқинида кўрамиз.

Суратда: филмдан лавҳалар. *Ҳ. Файзиев суратга олган.*

Раъно Шодиевани «Атроф оппоқ қорга бурканди», «Пиёда» филмлари орқали яхши биласиз. «Чимилдиқ» ёш актриса учун жиддий имтиҳон бўлди. Саид Мухторовнинг актёр ва режиссёр сифатидаги ижодий изланишларидан томошабинларимиз бохабар. Келинчакнинг дугонасини эса Мелс аканинг кенжа қизи Назирахон Абзалова ижро этди.

Кино ижодкорларимиз «Чимилдиқ» филмини аёллар йилига бағишлабдилар. «Аёллар — ҳаётимиз фаришталари. Биз уларни эъзозлашимиз, сиймоларини экран асарларимизда улуғлашимиз лозим. Чимилдиқ эса — маънавий поклик, оила муқаддаслиги, ажойиб қадриятларимиз тимсоли, аёлларимиз бахтининг мезони», — дейди Мелс ака биз билан суҳбатда.

Яқин кунларда «Чимилдиқ» экранларга йўл олади. Ҳақиқий баҳони эса, албатта, томошабин беради.

Феруза НОДИРОВА

Обуна-2000

Ё ОЛТМИШ ОЛТИ, Ё ЮЗ...

Кейинги тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, газета-журналларга обуна бўлишнинг ҳам бир неча хил йўллари бор экан. Масалан, «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасининг ашаддий мухлислари «Шунча йил бехато обуна бўлиб келдим, яхши-ёмон кунларда бир-биримизга ҳамроҳу ҳамфикр бўлдик. Аср тугашига атиги бир йил қолганда номардлик қиламанми?» дер экан-да, шартта бориб, обунани расмийлаштириб қўяр экан. Бошқа биров «Ишхонамиздаги фалончи хойнаҳой обуна бўлса керак, ўшандан сўраб ўқийман-қўяман» деб хомхаёлга берилар экан. Ишхонадаги фалончи эртами-индин бошқа ишга ўтиб кетса, унда нима бўлади — буни сира ўйламас экан.

Бошқа бировлар бундан-да бошқача йўл топишибди — икки, уч киши бир бўлиб ҳам обуна бўлишар экан. Аввал битталари, кейин иккинчилари, учинчилари ўқиб чиқишгач, кўк чойни аста симириб, ўзларига ёққан-ёқмаган мақолаларни муҳокама қилишар экан.

Бунинг нимаси ёмон? Аксинча, ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватласа арзийдиган янгилик.

Шуни ҳисобга олиб, биз бугун Сизни янги бир хушхабардан огоҳ қилиб қўймоқчимиз:

Бордию икки киши бир бўлиб газетамизга обуна бўлишса, шу икки обуначининг ёшларини бир-бирига қўшиш керак. Бордию 66 рақами ҳосил бўлса ёки уч кишилик обунада обуначиларнинг умумий ёши 100 йилни ташкил этса — дўппини осмонга отаверинг. Уларга таҳририятнинг алоҳида соврини бор!

Қолган гапларни газетамизнинг 1-бетида ўқийсиз.

1-бет

Сафар БАРНОЕВ

НИМА ҚИЛДИК

Турсунбой Адашбоевга

Олтмишга кириб дўсту биродар, нима қилдик,
Олдинма-кейин юрдик, баробар, нима қилдик.
Учрашдик гоҳи, кетдик, саросар, нима қилдик,
Ошнолар кўриб қилмади бовар, нима қилдик.
Сўз берса дедик, биз энди камтар, нима қилдик.
Сен Ўшда эдинг, уйга яқин тахти Сулаймон.
Мен бунда дея чорлар эдинг келмаса меҳмон,
Арзонмиди-ей, кўп эди-ей, дўсту қадрдон.
Кун этагини тунга улаб суҳбати жонон,
Хизматда бўлиб чопқиру аскар, нима қилдик.
Тошконга келиб битта Адашбой бўлақолдинг,
Тархинг очилиб, хотирага бой бўлақолдинг,
Қўл силтадинггу ҳафсала пир, ҳам кула қолдинг,
Майдон очилиб яккаю-ёлғиз, тўла қолдинг,
Олтмишга кириб, айт қани, додар, нима қилдик.
Кўпни танидик, санламадик, шунга шукур қил,
Меҳнатни қилиб, манламадик, шунга шукур қил.
От-отми десанг, танламадик, шунга шукур қил.
Кайф ошганини англамадик, шунга шукур қил,
Лек ўйнамадик биз чору чамбар, нима қилдик,
Шайтонни қувиб тинчимади Тоҳир Малик ҳам,
Носир акадек бағри бутун, бою тирик кам.
Ғайратни десанг, бору қара, аммо илик кам.
Сўз майдонида қўрқма, азал, асли йирик кам,
Кам-кам дедигу бўлдик баробар, нима қилдик.
Сен юзга кириб, юзтани кам қилма, биродар,
Ўз-ўзни билу бузни сира билма, биродар.
Ёз-ёзни билу кузни сира, билма, биродар.
Боққувчи ёмон кўзни сира билма, биродар.
Олтмишда келиб бўзласа чоғар, нима қилдик.

МАЙДА ГАП

Асримизда тилга кўчди майда гап,
Тил надурки, дилга кўчди майда гап,
Майда гапнинг урчиди бозорлари,
Гапнинг хуштаъм, мурчи деб бозорлари,
Хўп харид авжида бўлди дилкушо,
Кўча-куйда рақсга тушди миш-мишо.
Марду майдонман деганлар бўлди хор,
Айлади ўзини миш-миш касбу кор.
Тиклади кўркув, ҳадик деворини,
Сийлаб ўтди йўлтўсар, безорини,
Майда гапдан бўлди-ей бўй кичкина,
Дийда тору тилга зор, ўй кичкина.
Рост ила ёлғон талашди туну кун.
Рости гап, ҳақсўз адашди туну кун
Туну кун меҳмон эди гапбозлик,
Раҳнамо мезбон эди гапбозлик.
Майда гапдан нечага тўн бичдилар,
Ақлу доно баҳридан ҳам кечдилар.
Кечдилар кечмишларидан бус бутун,
Кимни хурсанд этдилар, ким бағри хун,
Бағри хунлардан яловни битдилар.
Бору йўқлардан оловни битдилар.
Битдилар, тақдиримиз тан бер дея,
Тамшаниб қўй, майлига қанд бер дея.
Дийдиёлар кўп эди, бош майда гап,
Кимга эрмак, кимгадир ош майда гап.
Майда гапларнинг саройи кенг эди,
Кимга ёқа, кимга қалпоқ, енг эди,
Енгдилар, енгилмаган, сарбозни.
Кўйдилар, дор ўрнатиб дорбозни.
Кўп эдилар шундайин боз-бозлар,
Чиқмас эрди дод деган овозлар.
Бор деган овозларимиз ўлмади.
Майда гаплар майдаланди, бўлмади.
Бўлмади, бўлсин деган озорлик,
Бор эдик, бағрини очди борлик.
Кунга юз тутди бугун рўзғоримиз,
Хуш табиат, хуш ният ҳамкоримиз.
Майда гаплардан кўкармас боғу роғ,
Ҳатто тоғлар ҳам кўрингай чоғроқ.
Биз табиат ўғлимиз, ўғлонимиз,
Катта бир майдон эрур Қўрғонимиз,
Ушбу Қўрғонга ярашмас майда гап,
Майда гапни қайда кўрсанг ҳайда гап.
Гап билан оворалик хизмат эмас,
Элу юртнинг олдида иззат эмас.
Кўрсангиз қай тубкада шундай қусур,
Майдаларни майдаланг кони ҳузур,
Ўзгаларга энди йўқ ҳеч зоримиз,
Боримиз бор, боримиз бозоримиз.
Биз табиат ўғлимиз, ўғлонимиз,
Бўйлашар, тоғлар билан Қўрғонимиз.

САМОЛЁТ ШАҲРИСАБЗДАН ... ТЎҒРИ УЧАДИ(МИ)?

Марокли саёҳат ва вақтютар ҳангома

Туҳокама учун мавзу

20 октябр тонги. Тошкент аэропортининг чиннидек ярқираган саранжом ва саришта биносида учишга ҳозирланаяпмиз. 367-рейснинг шу куни жадвал бўйича Шаҳрисабзга қўниб ўтиб, Қаршига учиши кўрсатилган. Бироқ бир кун аввал шу рейсга Қаршига йўл паттаси олаётганимизда патта сотувчи аёл «Сиз Қаршига тўғри учасиз, Шаҳрисабз аэропорти ҳозир таъмирда», деган эди. Эрталаб патталаримизни рўйхатдан ўтказаётганимизда ҳам аэропортнинг хушовоз дикторларидан шундай маълумотни эшитиб турибмиз. Рўйхатдан ўтказиш тугаёзганда Қаршига учадиган самолётга чиқувчи бир аёлнинг йўл паттаси Шаҳрисабзгача расмийлаштирилгани маълум бўлди. Аэропорт хизматчилари у аёлга «Сиз Шаҳрисабзга бир ўзингиз экансиз, аксига олиб Шаҳрисабздан ҳам Тошкентга учгани бирон киши патта олмапти. Самолётни тўғридан-тўғри Қаршига учириб юборсак майлими?» — деб розилик сўради.

Биз Қаршига учувчи йўловчилар аэропорт хизматчиларининг бу қадар ширинсуханлигидан мамнун бўлдик. Ҳатто паттасида Шаҳрисабзгача учиш кўрсатилган аёл ҳам уларга «Бажонидил. Аслида Қаршига учишим керак, бироқ кеча Қаршига шу рейсга жой йўқ дейишганида, майли Шаҳрисабзгача бўлса ҳам самолётда борақолай, деб кўнган эдим. Қайтанга яхши бўлди», дея суюнчини яширмай жавоб қилди.

Бироқ йўловчи аёл барвақт суюнган экан. Энди самолётга чиқиш эълон қилинаётганда аэропортнинг бояги ширинсухан хизматчиси келиб, ҳамманинг рўйхатдан ўтказилган йўл патталарига қайтадан нигоҳ ташлай бошлади. Ва сўнгра ўз бўлмасига қайтиб чиқиб кетиб, яна уч кишини (улардан иккитаси рўйхатдан ўтказиш жойида Қаршига жой бўлишини кутиб, илтимос қилиб туришган эдилар) бошлаб келди. Аэропорт хизматчиси эмас, йўловчилардан кимдир шу чоғ самолёт Шаҳрисабз орқали учадиган бўлди, деди. Ҳаво кемасига йўловчилар чиқарилаётганда тўрт кишининг Шаҳрисабзгача учаётгани маълум бўлди. Улардан бири бояги Қаршига жой йўқлигидан Шаҳрисабзгача патта олишга мажбур бўлган аёл эди. Қолган уч кишининг асл борар манзили кейинроқ маълум бўлди ва биз бу ҳақда кейинроқ тўхталамиз. Ҳозир эса самолётимиз ҳавога кўтарилмоқда. Одатда йўловчилар самолётнинг учиш ва қўниш чоғларида бир оз сергакроқ бўладилар. Чунки ҳаво кемасининг юқорига бемалол кўтарилиб олиб, булутлардан баландда учиб юришига қараганда ерга қўниш ва учиш чоқлари нисбатан мураккаб кечади.

Тахтақарача довони устидан учиб ўтаётганимизда қадимий шаҳри Кешни ўраб турган пурвиқор тоғлар, осмонталош чўқилар кўз олдимизда намоён бўлди. Баланд тоғ устидан ошиб ўтган самолётнинг ана шу тоғлар бағридаги қўналгага юзма-юз келиши ҳам осон эмас. Бунинг учун самолёт аэропорт атрофидаги кенгликлар устидан бир неча бор айланиб учиб, ўз тезлигини камайтириши ва зарур даражада пастлаб ҳам олиши керак. Шундай зарурий тадбирлар кўрилмаса, қўниб бўлмайди. Бунга ҳам ўн-ўн беш дақиқа ортиқча вақт кетади. Қадим Шаҳрисабз осориатиқаларининг нилий гумбазлари, муҳташам Оқсаройнинг мунаққаш пештоқлари, мавжланиб ётган Чимқўрғон сув омбори ва тоғ дарёларининг гўзал манзараларини самолёт ойнагидан томоша қила-қила манзилга келиб қўндик. Шаҳрисабзнинг мусаффо ҳавоси, куз хаёлларига чўмган олтинранг боғлар тароватн баҳри дилингизни очиб юборади. Чиройли аэровокзал биноси олдидаги атиргуллар, атрофда солланиб турган мажнунтоллар чинакам шаҳри сабзга — гўзаллик баҳри муҳитига келганингизни эсга солади. Амир Темурдек улуғ соҳибқиронни вояга етказган гўзал маъвога келганингиз қалбингизга ғурур ва ифтихор бахш этади.

Бироқ... ҳа... ҳа... бироқ, негадир аэропорт сизга кимсасиз ғўзаллик оролини эслатади. Нима бўлди? Бу манзилнинг йўловчилар ва уларни кутиб олувчилар, кузатиб қўювчилар билан гавжумлиги қаёққа йўқолди? Йўловчиларни шаҳарга етказиб қўядиган биронта транспорт воситаси кўринмаганидан ҳам ҳайратга тушдик. Биз билан Тошкентдан бирга учган тўрт йўловчи қўлидаги йўл паттасига кўра Шаҳрисабзга тушиши кераклигини айтган эдик. Улардан бири жой йўқлигидан Шаҳрисабзгача келишга рози бўлган аёл жомадонларини кутариб, шаҳар йўлига равона бўлди. Унга ўзи учиб келган таптайёр самолёт бўла туриб, Қаршига қандай етиб бориш мумкинлигини тушунтириб қўйишди. Бироқ у шаҳар автовокзалигача нимада боришга ҳайрон бўлганча аэровокзал бекатида боши қотиб турарди. Шаҳрисабзга келиши зарур бўлган бирдан-бир йўловчи эса уддабуронроқ экан, самолётдан туша солиб: таниш-ларига қўнгироқ қила кетди. Қолган икки йўловчининг эса, самолётга ёнилги қуйилиб кутиб турган чоғимиз орамизда эканига эътибор бермаган эканмиз, Қаршига учаётганимизда улар ҳам эмин-эркин биз билан ҳаво кемасига чиқиб, ўз жойига ўтириб олишди. Биз улар шу жойдан йўл патталарини қайта расмийлаштириб олишган бўлса керак, деб ўйлаган эдик. Йўқ, ундай бўлмапти. Самолёт моторини ўт олдиришга ҳозирлик кўраётганда Шаҳрисабз аэровокзалининг хизматчиси: «Қани, сизлар бу ёққа келинглар-чи, ахир, патталаринг Шаҳрисабзгача эди-ку?» деб қолди. Улар бир зумда орқага ўтишиб, ўша жойнинг ўзидаёқ хизматчи билан келишиб қўя қолишди-да, бемалол жойларига келиб ўтиришди. Яна йигирма беш минутдан сўнг Қарши аэропортига келиб қўндик.

Шаҳрисабзда бир йўловчининг ўз манзилига тушиб қолгани ва яна бир йўловчининг у жойдан Қаршига етиб олиш учун яна қанча вақт йўқотиб сарсон бўлишини айтмаганда бизлар — қолган йигирмадан ортиқ йўловчи шу куни Қаршига учиб келиш учун бир соат ортиқча вақт йўқотди. Йўқ, ортиқча эмас, қимматли вақтимизни бекорга бой бердик. Самолётга Шаҳрисабзда қуйилган ёнилги ҳам ортиқча исроф бўлди. Самолётга хизмат кўрсатиш, унинг эсон-омон учиб-қўнишини таъминлаш учун кетган харажатлар қанчага тушишини «Узбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясининг қилни қирқ ёрадиган иқтисодчи мутахассислари чўтга, кечирасиз, эндиликда компьютерга солиб ҳисоблаб чиқишса ажаб эмас.

Шуни айтиш керакки, Шаҳрисабзга учадиган самолётларнинг бундай транзит тарзида рейс бажариши ҳам аслида яхши ният билан қилинган. Яъни бозор иқтисоди шарт-шароитларига кўра авиапатталар нархи ошганидан йўловчилар сони анча-мунчага камайиб қолган эди. Шаҳрисабз эса қадимий шаҳар, бу шаҳарга келиб-кетувчи хорижий сайёҳлар учраб туради, Тошкентга самолётда бориб-келишни хоҳловчи ва бунга эҳтиёжманд йўловчилар ҳам буткул йўқ эмас. Ахир аэропорт Китоб, Шаҳрисабз, Яккабоғ, Қамаши, Чироқчи каби аҳолиси тиғиз ва саноат корхоналари тараққий этган туманлар бағридаги жойлашган. Шундай экан бу туманларнинг аҳолиси унинг беминнат хизматидан жон деб фойдаланади. Аслида аэропорт ҳам ана шу мақсадлардан келиб чиқиб қурилган эди. Шунинг учун ҳам уни бугунги вақтинчалик иқтисодий қийинчиликларни рўкач қилиб, осонгина ёпиб қўя қолмасдан имкон ҳатариб ишлатиб туриш ҳар жиҳатдан мақсадга мувофиқдир.

Бироқ, ҳа, яна бироқ, ҳолва деган билан оғиз чучимас экан. Ҳозир онда-сонда Тошкентдан Шаҳрисабзга учувчи айрим йўловчилар топилиб турибдию (уларнинг ҳам аксари Қаршига билет бўлмаганидан шу Шаҳрисабзгача бориб олсам ҳам майли, дея йўлпатта олган одамлар), бироқ Шаҳрисабздан Тошкентга учувчи йўловчи топилмай қоляпти. Биз Шаҳрисабзга қўнган куни ҳам шундай бўлди. Қаршига учадиган самолётлардан биттасини ҳафтада икки марта Шаҳрисабз орқали қўндириб учириш режаси ҳам шу мақсадда, яъни йўловчиларни Шаҳрисабзга туширган самолёт Қаршига учаётиб, бу ердан Тошкентга борадиган йўловчиларни ҳам олиб учмоғини назарда тутган ҳолда тузилган.

Хўш, режа, мақсад-ку яхши экан, нега Шаҳрисабздан Қарши орқали Тошкентга учадиган йўловчини топиб бўлмаяпти, деган савол келиб чиқади. Энди ўйлаб, мушоҳада юритиб кўринг. Самолёт Қаршигача 25 дақиқа учади. У ерда бир соатча туради. Сунг Тошкентга қадар яна бир соату йигирма дақиқа учиши керак. Шаҳрисабзда учишдан олдин аэропортга бир соат олдин келиб патталарни рўйхатдан ўтказишни ҳам қўшсангиз бу шаҳардан Тошкентга учиб келмоқчи бўлган йўловчи ҳаммаси бўлиб, салкам тўрт соат вақт сарф қилар экан. Бу вақт ичида агар тўғридан-тўғри учувчи самолёт бўлса Қора денгиз бўйидаги Сочига ҳам етиб бориш мумкин. Агар оддий енгил машина, борингки, ўзимизнинг «Дамас»ларда (улар ҳар куни, ҳар соатда қатнаб туришибди) йўлга чиқсангиз ҳам бемалол Тошкентга етказиб келишади. Қайтанга йўл ҳақи самолётникидан уч баробар арзон тушади. Шундай бўлгач, Шаҳрисабздан Тошкентга келмоқчи бўлаётган йўловчи қайси бирини танлайди: самолётними ёки «Дамас»ни? Албатта, «Дамас»нида!

Бизнинг бу мулоҳазаларимиздан асло Шаҳрисабзга самолёт учирмаслик керак, деган маъно келиб чиқмайди. Биз бу фикрдан мутлақо йироқмиз. Чунки Шаҳрисабздан Тошкентга самолётда келишни хоҳловчи йўловчилар бор ва улар Шаҳрисабз шаҳри ва унинг атрофидаги туманларнинг аҳолисидир. Йўловчилар билан бўлган гурунгларимиздан шу нарса аён бўлдики, самолётни Шаҳрисабздан Тошкентга тўғри учадиган қилиш керак. Шунда йўловчи эллик дақиқада пойтахтга етиб келган бўлур эди. Шундай қилинсагина турли мажлисларга келиб кетадиган идоаларнинг раҳбарларидан тортиб, бугунги минглаб тадбиркорларгача самолёт салонини тўлдирган бўлур эди. Майли, дастлаб ҳафтада бир рейс шундай қилинсин, сўнгра эҳтиёжга қараб икки-уч рейс ташкил этиш ва бора-бора ҳар куни мунтазам учадиган рейс ҳам ташкил қилиш мумкин.

Фақат бу ишни «Ўзбекистон ҳаво йўллари» авиакомпаниясининг ўзига ҳавола этибгина қўймасдан Шаҳрисабз, Китоб, Чироқчи, Қамаши, Яккабоғ туманларининг раҳбарлари ҳам ўйлаб кўриши, ишни ташкил этишга кўмаклашиб юборишлари, реклама-тарғибот ишларини жойига қўйиб, ихтиёрларидаги маҳаллий радио, телекўрсатувлар, матбуот саҳифаларидан унумли фойдаланиб, аҳолининг хабардорлигини таъминлашни ўз зиммаларига олишлари керак.

Менинг бу фикрларимни Қарши шаҳри аэропорти раҳбарларидан бири — Ҳабиб Фаттаев ҳам маъқуллади. Аслида бу ҳақда фикр юритиш эҳтиёжи ҳам у кишининг аэровокзал биносидаги хонасида, Қаршидан Москвага учадиган рейснинг жума кунидан якшанба кунига ўтказилиши боис туғилган муаммолар ҳақида мушоҳада юритаётиб туғилди. Аэропорт мутахассисларининг фикрича, мана шу биргина самолёт учиш кунларининг ўзгартирилиши ҳам йўловчилар оқимига жиддий таъсир кўрсатаркан. Маълумки, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси мамлакатимиз вилоятлари билан МДҲ йирик шаҳарлари ўртасида илгаридан шаклланган ҳаво трассаларини сақлаб қолишга интилиб, бир пайтлар Андижондан ва Қаршидан тўғридан-тўғри Москвага учиб келган самолётларни эндиликда эҳтиёждан келиб чиққан ҳолда Андижон — Қарши — Москва ва Москва — Қарши — Андижон тарзида (бунда Андижон ва Қарши шаҳри ўртасида қатновчи йўловчиларнинг ҳам эҳтиёжлари ҳисобга олинган) ташкил этган ва бу кўп йиллардан бери ҳар икки шаҳарнинг тадбиркорлари, турли юмушлар билан Москвага бориб келувчи йўловчилар учун ҳам маъқул тушаётган эди.

Яширишнинг ҳожати йўқ, бу рейсдан кўп ҳолларда тадбиркорлар фойдаланишади. Сабаби, жума куни Андижон ва Қаршидан ҳавога кўтарилган самолёт шанба куни тонгга қадар Москвага етиб боради. У ерда бозор-ўчар авж олган дам олиш кунлари олди-бердисини бемалол амалга оширган йўловчилар шошилмасдан уйларига қайтаверадилар. Бироқ якшанба куни учиб, душанба тонгидан Москвага борадиган йўловчилар бир ҳафта мобайнида кейинги бозор кунларини кутиб вақт кеткизишга мажбур бўларкан. У ҳолда ҳеч кимнинг ўз юклари билан Москвага учишига ҳожат қолмаскан, яъни эҳтиёж йўқоларкан. Шуни ҳисобга олиш керакки, юртимиздан у ёки бу неъматни Москвага олиб бориб сотадиган тадбиркор у ёқдан ҳам қуруқ қайтмайди, ўзимизда бозори чаққон бўлган бирон нарса — дори-дармонми, атир-упами, дафтар-қаламми, нимадир буюм олиб келади-да ва бу бозор иқтисодининг соғлом мантиққа асосланган оддий бир кўринишидир.

Энди Шаҳрисабздан самолётларни тўғридан-тўғри Тошкентга учириш ҳам йўловчиларнинг мана шу сингари эҳтиёжларига мувофиқ тарзда ташкил этилсагина ўзини тўкис оқлайди, деб ҳисоблаймиз. Яъни бир соатда учиб бориш мумкин бўлган масофага енгил машинада бемалол (уч баробар кам харажат қилиб) етиб олиш мумкин бўлганчалик вақт кеткизиб қўниб училса, ҳеч кимнинг бундай «тезучар» ҳаво кемасидан фойдаланишга рағбати ҳам, ҳаваси ҳам бўлмайди.

Бугун Шаҳрисабз — Тошкент авиарейсини ташкил этишда айни мана шу заруратни ҳисобга олиш керак.

Мурод АБДУЛЛАЕВ

Ўзбекистон Бадиий академияси Бадиий ижодкорлар уюшмаси жамоаси уюшма аъзоси, Давлат мукофоти совриндори, таниқли театр ва кино рассоми **Игорь Владимирович ГУЛЕНКОнинг** бевақт вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

Маданият ишлари вазирлиги, М. Уйғур номидаги Тошкент давлат Санъат институти раҳбарияти «Драма ва кино санъати» кафедрасининг профессори Анатолий Зуҳурович Қобуловга волидаи муҳтарамаси **Марям ҚОБУЛОВАнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва Адабиёт жамғармаси уюшма аъзоси **РЫБАК ЗИНОВИЙ ФОТИЕВИЧ** вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

МУАССИСЛАР: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ
* * *
НОШИР: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ «ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА КОНЦЕРНИ

Ўзбекистон АДАБИЁТИ ва САНЪАТИ
O'ZBEKISTON ADABIYOTI VA SANA'TI
1999 йил

Манзилимиз: Тошкент — 700083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Қабулхона — 133-52-91
Танқид ва адабиётшунослик, санъат бўлимлари: 136-56-48
Назм-наср бўлими: 136-56-50
Ижтимоий бўлим: 136-55-78

Бош муҳаррир Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ

Редакцияга келган қўлёзмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.
Навбатчи муҳаррир — Хуснидин ҚУТБИДДИНОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Манзили: Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй
Босишга топшириш вақти—21.00. Босишга топширилди 19.30.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 24. Буюртма Г. — 0904. Ҳажми — 3 босма табоқ. Газета IBM компютерида терилди ва саҳифаланди. Нашр кўрсаткичи — 222. Ташкилотлар учун — 223. 1 2 3 4 5 6

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ
СОТУВДА НАРХИ ЭРКИН

Тиражи—8840.